

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК: 33

ГУЛЯМОВ САНЖАР ИСЛОМ ЎҒЛИ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

5A230102-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н. Умаров Т.

Тошкент - 2013

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3-10
I-БОБ.	Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг илмий-назарий асослари.	11-37
1.1.	Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақидаги концептуал қарашлар эволюцияси.....	11-18
1.2.	Иқтисодиётни эркинлаштиришига ҳозирги замон ёндашувларнинг хусусиятлари.....	19-27
1.3.	Иқтисодий фаолият эркинлигининг меъёрий ҳуқуқий асослари.....	27-36
	I-боб бўйича хулосалар.....	36-37
II-БОБ.	Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	38-59
2.1.	Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш соҳа- сида амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг тамойил- лари.....	38-49
2.2.	Иқтисодиётни эркинлаштириш даражаси, унинг кўрсаткичлари ва омиллари.....	50-58
	II-боб бўйича хулосалар.....	58-59
III-БОБ.	Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштиришни янада жадаллаштиришнинг устувор йўналишлари.....	60-90
3.1.	Иқтисодий эркинлаштиришни соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиришга йўналтириш.....	60-68
3.2.	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада эркинлаш- тиришда давлатнинг ролини ошириш.....	68-78
3.3.	Иқтисодиётни эркинлаштиришда давлат ва бозор механизмлари узвийлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари.....	78-89
	III-боб бўйича хулосалар.....	89-90
	ХУЛОСАЛАР.....	91-94
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	95-100
	ИЛОВАЛАР.....	101-105

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда демократик тамойилларга асосланган миллий иқтисодиётни либераллаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўламини кенгайтириш масалалари бозор механизмларига мос келадиган хўжалик юритиш билан бевосита боғлиқ. Бунда иқтисодий эркинликни амалда таъминлаш моддий манфаатдорликнинг кучайишига олиб келиб, бозор иқтисодиётининг объектив қонунларини реал амал қилишини қарор топишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш хўжалик юритувчи субъектларга бозор иқтисодиётига хос эркинлик бериш масаласини ҳал этишни тақозо қилади. Шунинг учун иқтисодиётни эркинлаштириш, миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада кенгайтириш муаммоларини ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда тегишли хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқиш долзарб масала сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти доирасини янада кенгайтириш масаласи давлатимиз иқтисодий сиёсатининг бош мақсадларидан бирини ташкил этади. Барчамизга маълумки, мамлакат Президенти И. Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ “...ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди”¹ деб алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Шундай экан, бугунги кунда “мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш тадбиркорлик, кичик ва хусусий тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим”².

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999. - 16 б.

² И.Каримов Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2011, 40-бет.

Шу билан бирга, “..ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилган инқирозга қарши дастурлар ва кўрилаётган чоратadbирларга қарамасдан, бу борадаги аҳвол, афсуски, яхшиланмаяпти, айрим кўрсаткичлар бўйича эса унинг ёмонлашиш тенденцияси кузатилмоқда”³.

Шундай экан, бу ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодиёти равнақи учун хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлиги муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки, бозор муносабатлари шаклланган ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси бозор иштирокчиларининг мустақил иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари орқали манфаатлар уйғунлигига эришиш иқтисодий жиҳатдан катта самара беришини кўрсатиб турибди. Шу боисдан, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида иқтисодий эркинлик масалаларини атрофлича ўрганиш ва унинг Ўзбекистонга хос хусусиятларини очиқ бериш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда республикамызда фаолият юритаётган корхоналарда бозорга хос иқтисодий муносабатлар устун равишда ривожланиб бораётган бир вақтда, хўжалик фаолиятига ноўрин аралашув ҳолларига тўлиқ барҳам берилганича йўқ. Албатта бунда, мулк ва фаолият натижаларини эркин ўзлаштиришни таъминлаш ижтимоий адолат мезонларини рўёбга чиқаришнинг муҳим омилини ташкил қилади. Шунинг учун, иқтисодиётни эркинлаштириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада кенгайтириш масаласи юзасидан назарий ва амалий муаммоларини таҳлил қилиш борасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, бунинг ҳуқуқий шарт-шароитлари, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг келажакдаги ривожининг устивор йўналишларини аниқлаш ҳозирги кунда ечимини кутаётган муаммолар бўлиб қолмоқда. Юқорида қайд этилган муаммолар танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

³ И.Каримов Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: НМИУ, Ўзбекистон нашриёти, 2013 й. 3-бет.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни эркинлаштириш муаммолари хорижлик иқтисодий қарашларда кўп йиллик илмий тадқиқотлар мужассамлашган. Иқтисодий фанда ҳам мамлакат тараққиётини юксалтиришда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш иқтисодчи, назарий олимларни қизиқтириб келган. Шу сабабли иқтисодиётни эркинлаштириш қаратилган назарий изланишлар тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Иқтисодий фан тарихидаги буюк иқтисодчи намоёндалар Т.Мэн ва У.Стаффорд⁴, А.Смит, Д.Рикардо, Дж.С.Милл⁵, К.Менгер ва А.Маршаллар⁶ Дж.М.Кейнс ва М.Фридменлар⁷ томонидан иқтисодиётни эркинлаштириш муаммоси ва унинг зарурлигини асослашга ҳамда ривожлантиришга муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Шунингдек, ҳозирги замон иқтисодчиларидан Г.Мэнкью, Дж.Стиглиц, П.Самуэльсон, К.Р.Макконелл ва С.Л.Брюлар ҳам мазкур муаммога улкан ҳисса қўшганлар⁸.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни эркинлаштириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада кенгайтиришга доир муаммолар борасида яхлит илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Ушбу муаммога тегишли айрим жиҳатларини республикаимизда А.Абдуғаниев, Э.Акромов, Ҳ. Абулқосимов, Г.К.Саидова, Ш.Ш.Шодмонов, А. Ўлмасов, Т. Жўраев, Н.Тўхлиев, А. Ваҳобов, Р. Хасанов ва бошқа қатор олимларимиз

⁴ Экономическая история мира. Европа. Том 1,2, под общ.ред. М.В.Конотопова-М.:Издательско-торговая корпорация Дашков и Ко, 2004. 636с.

⁵ А.Смит Исследование о природе и причинах богатства народов.-М.: 1962; Д.Рикардо Начала политической экономии и налогового обложения / Соч. Т.1. М.: Госполиздат, 1956; Дж.С.Милл Основы политической экономии. Пер. с англ. Т.1. – М.: Мысль, 1980.

⁶ Австрийская школа в политической экономии: К.Менгер, Бем-Баверк, Ф.Визер: Пер.с нем/ Сост. В.С.Автономова.-М.: Экономика, 1992.-494 с.; А.Маршалл Принципы политической экономии. Пер. с англ. Р.П. Столпера. Общ.ред. и вступительная статья С.М.Никитина – М.: Прогресс, 1983.-415 с.

⁷ Дж.М.Кейнс Общая теория занятости, процента и денег. – М.: 1993; А.В. Аникин Юность науки. М., Политиздат. 1971 г. История экономической мысли. М., 1998; М.Фридмен Основы монетаризма. Под науч.ред. Д.А.Козлова. пер.с англ. Д.А.Козлова.-М.: ТЕИС, 2002.-175с.

⁸ Mankiw G. Real Business Cycles: A New Keynesian Perspective. Journal of Economic Perspectives. Vol.3, 1989, pp.79-90; Stiglitz J.E., Charlton A. Fair Trade for All:How Trade Can Promote Development Oxford University Press 2005, 315 pp.; Самуэльсон П. Экономика Т.1. пер. с англ.- М. Республика, 1993; Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2т. пер. с англ. 11-го изд. Т.1. – М: Республика. 1992; Курс экономической теории: учебник – 4-с доп. И прераб. Изд.-Киров «АСА», 1999, стр. 557-584; Пезенти А.Очерки политической экономии капитализма. пер. с. итал. В 2т. Т.2. – М.: Прогресс, 1976. с. др.

илмий ишларида муайян даражада ўрганилган⁹. Лекин бу йўналишда жиддий ва атрофлича амалга оширилган илмий ишлар етарли эмас.

Шу боис, иқтисодиётни эркинлаштириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада кенгайтириш муаммоларнинг барча томонларини назарий тадқиқ этиш даражасининг етарли эмаслиги мазкур магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифаларини белгилаб олиш имконини берди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари Тадқиқот мақсади Ўзбекистон миллий иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва шу орқали хўжалик юритувчи субъектлари юритиш эркинлигини таъминлаш, мустаҳкамлаш ҳамда уни амалга ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилди ва ҳал қилишга эришилди:

- Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг моҳиятини очиб бериш ва ўтиш даврига тадбиқан иқтисодиётни эркинлаштиришнинг назарий ва услубий жиҳатларини аниқлаштириш;
- иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги ислохотларнинг ҳозирги замондаги асосий йўналишлари ва хусусиятларини илмий асослаб бериш;
- иқтисодиётни эркинлаштириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини таъминловчи меъёрий ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг тамойилларини кўрсатиб бериш;

⁹ Абулқосимов Х.П., Вахобов А.В., Рахимова Д.Н., Нарбаев Б.И. Ўзбекистонда иқтисодий чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўллари: Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. –Т.: “Тошкент Давлат техника университети”, 2001; Саидова Г.К. Макроиқтисодий сиёсатнинг асосий муаммолари //Бозор, пул ва кредит. № 5. 1998; Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т., 2002, 144-б; Хасанов Р. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари //Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари ва истикболлари мавзусидаги Республика илмий-амалий семинар материаллари. 18 март 2003 йил. Т., 2003, 26-28-б.

- Иқтисодиётни эркинлаштириш даражаси, унинг кўрсаткичлари ва омилларини аниқлаш;
- соғлом рақобат муҳитини шакллантиришнинг хўжалик юритиш эркинлиги билан ўзаро боғлиқлиги асослаб бериш;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада кенгайтириш
- Иқтисодиётни эркинлаштиришда давлат ва бозор механизмлари узвийлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида таркиб топаётган иқтисодий муносабатлар ва фаолият эркинлиги даражаси ҳамда бунинг амалдаги иқтисодий ҳолати тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан ўрта, кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолияти, жисмоний шахс мақомидаги якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда тегишли давлат ташкилотларининг иқтисодиётни эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган фаолиятлари тадқиқот объекти сифатида қаралди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг мавзуга оид асарлари, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва меъёрий ҳужжатлар, иқтисодчи олимларнинг иқтисодий эркинликни ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий ишлари ва тадқиқот натижалари ташкил этади.

Тадқиқотда илмий абстракция, мантиқийлик ва қиёсий таҳлил, иқтисодий таҳлил, статистик гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Республика Иқтисодиёт, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари, расмий статистик тўпламлар, Республика тадбиркорлар палатасининг расмий маълумотлари, Республикамиз вилоятларининг социал-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тадқиқотнинг ахборот базасини ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги иқтисодиётни модернизациялаш, ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлиги муаммоси ва унинг ечимини назарий асосланиши ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқилиши тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот натижаларидан олинган ва ҳимояга чиқарилаётган илмий янгиликлар қуйидагиларда ўзининг аниқ ифодасини топган:

- Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг мазмуни миллий иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолатига тадбиқан ўрганилди;
- Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг мезонлари ва кўрсаткичлари аниқланди ҳамда шу асосда Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг эркинлик даражасига баҳо берилди;
- Иқтисодиётни эркинлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилди. Бунда хусусий секторнинг иқтисодиётдаги мавқеи ва таъсир доираси иқтисодий эркинликнинг бош мезони эканлиги асослаб берилди;
- Иқтисодий эркинликни таъминловчи ҳуқуқий асослар таҳлил этилди ва бу иқтисодий эркинлик муаммосини ечишнинг объектив асосини яратиши билан бирга хусусий тадбиркорликнинг ривожига туртки бўлиши асослаб берилди;
- Иқтисодий эркинлик ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолият доирасига тўсқинлик қилувчи сабабларга баҳо берилди ва бу, бир томондан, ўтиш давридаги ислохотлар натижаси ҳисобланса, иккинчи томондан

хўжалик фаолиятига аралашувнинг эскича механизми амал қилишига барҳам берилмаганлиги билан характерланиши кўрсатиб берилди;

- Давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашуви даражасига аниқлик киритилди ва хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш давлат кўмаги орқали амалга оширилиши зарурат эканлиги асослаб берилди.

- Хўжалик юритувчи субъектлар фаолият доирасини янада кенгайтириш ва мустақамлаш борасида илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва хўжалик юритиш эркинлигини таъминлаш бозор иқтисодиётига ўтиш босқичидаги ислохотлар ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнига тадбиқан таҳлил этилган ҳамда мавзу доирасида назарий хулосалар ва амалий тавсиялар келтирилган. Ишдаги назарий хулосалар ва амалий таклифлардан иқтисодий эркинликни амалда таъминлашга қаратилган давлат дастурларида, тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий натижаларидан иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган махсус, чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишида фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг илмий хулосалари ва амалий таклифларидан миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, маълум эркинликлар бериш ҳамда олий ўқув юртларида “Ижтимоий иқтисодий тараққиёт назарияси”, “Макроиқтисодиёт”, “Макроиқтисодий сиёсат” ва “Реал сектор иқтисодиёти ва прогнозлаш” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертацияси таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, 3-боб, 8-та параграф, хулоса ва таклифлар ва иловалардан ташкил топган.

Ишнинг биринчи бобида иқтисодиётни эркинлаштиришнинг илмий-назарий асослари деб номланиб, унда иқтисодиётни эркинлаштириш

ҳақидаги концептуал қарашлар эволюцияси, иқтисодий эркинлаштиришига ҳозирги замон ёндашувларнинг хусусиятлари, иқтисодий фаолият эркинлигининг меъёрий ҳуқуқий асослари ёритилган.

Ишнинг иккинчи боби эса Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий эркинлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва унинг тамойиллари, иқтисодий эркинлаштириш даражаси, унинг кўрсаткичлари ва омиллари ўрганилган ҳамда амалий таҳлиллар олиб борилган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштиришни янада жадаллаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган бўлиб, унда асосий эътибор иқтисодий эркинлаштиришни соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиришга йўналтириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада эркинлаштиришда давлатнинг ролини ошириш ҳамда иқтисодий эркинлаштиришда давлат ва бозор механизмлари узвийлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари белгиланган.

Хулоса қисмида тадқиқотнинг асосий натижаларини ифодалаш билан бирга иқтисодий эркинлаштириш концепцияси ва унинг миллий иқтисодийдаги хусусиятлари ҳамда тадқиқот иши натижалари бўйича таклиф қилинаётган таклиф ва тавсияларни амалга ошириш йўллари келтирилган. Диссертациянинг сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар келтирилган.

Диссертация матни 111 варақдан иборат бўлиб, унда 13 та жадвал, чизма ва расмлар ҳамда 6 бетдан иборат бўлган илова тақдим қилинган.

I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақидаги концептуал қарашлар эволюцияси

Иқтисодиётни эркинлаштириш мавзуси тарихдан бизга иқтисодчи олимларимиз томонидан маълум. Иқтисодий қарашларга тарихийлик жиҳатдан ёндашилганда эркинлаштиришнинг айрим томонларига иқтисодчи мутафаккирлар ўз тафаккурлари даражасидан келиб чиқиб муносабат билдирганлар.

Иқтисодий тафаккур тарихида айнан биринчи марта давлатнинг иқтисодиётда аралашмаслик ролини илмий асосда кўриб чиққан олим бу шак-шубҳасиз Адам Смитдир.

Бозор тўғрисида А.Смит таълимотидаги асосий ғоя иқтисодий либерализм ғояси давлатнинг иқтисодиётига аралашувини минималлаштириш ғояси ва эркин рақобат асосида ташкил топадиган баҳо ёрдамидаги иқтисодиётнинг ўзини – ўзи бошқариш ғояси ҳисобланади.

Унинг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш ҳақида”(1776 – йил)деган китобида бозор усуллари орқали иқтисодиётнинг ўз – ўзини тартибга солишнинг зарурлиги таъкидлаб ўтилган. А.Смитнинг фикрича хусусий товар ишлаб чиқарувчилар бозори давлат назоратидан тўлиқ озод бўлиши зарур. Агар давлат новвойни, боғбонни олдиға маълум вазифаларни юкласа, унда давлат мажбуриятини бажараман деб, бозордаги аҳволни унутиб қўйиши ва ишлаб чиқараётган маҳсулоти ҳам бозор талабига мос келмай, тадбиркорни ушбу жараёндан четлашиға олиб келади.

Унинг иқтисодий эркинлик принципига кўра, бозор одамлар фаолиятини мувофиқлаштиради, улар манфаатларини уйғунлаштиради. Бозор иқтисодиёти новвойни ширин нон ёпишға, боғбонни тоза мева – сабзавот етиштиришға, савдогарларни бошқа минтақалардан арзон баҳоға товарлар олиб келишға ундайди. Рақобат шароитида истеъмолчилар эҳтиёжини юқори даражада қондира оладиган ишлаб чиқарувчилар ўз

фаолиятларини олиб боради. Шундагина ишлаб чиқарувчилар истеъмолчилар талабига мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконига эга бўлади. Бунда бозор воситасида тартибга солиш, ҳар қандай четдан аралашисиз ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари учун ҳаракат қилишга мажбур қилади.

А.Смит тушунчаси бўйича, шахсий манфаатлар ижтимоий манфаатлардан устун турса, яъни жамият манфаатлари унинг аъзолари манфаатларининг йиғиндиси деб қаралса, шундагина бозор қонунлари иқтисодиётга кўпроқ таъсир кўрсатади. А.Смитнинг асосий хизматларидан бири шундан иборатки, у биринчилардан бўлиб иқтисодиётни ўзининг ички қонуниятларига мувофиқ амал қилувчи, объектив одамларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган тизим сифатида қарайди. Бундай тизим ички қонуниятларига мувофиқ амал қилади.

А.Смит иқтисодиётнинг давлат сектори самарасиз эканлигини кўрсатиб ўтади “Турли хил сабабларга кўра, - деб ёзади у, - ҳукумат доимо ва беистисно тарзда исрофгар. Энг аввало, у бировлар ишлаб топган пулни сарфлайди, ўзгалар пулини эса ҳамиша ўзиникидан кўра беҳуда сарфлайди. Бундан ташқари, ҳукумат хусусий корхоналардан жуда узоқ туради ва уларнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган эътиборни уларга қарата олмайди”¹⁰.

Одамлар бир-бирларига хизмат қилиши орқали ўз манфаатларини амалга оширади. Бозор иқтисодиёти ўз-ўзидан амал қилаётгандек кўринади, аслида у хатолар ва тузатишлар услубида тартибга солиб турилади. А.Смитнинг “кўринмас қўл” назарияси орқали ифодаланган фикрларида иқтисодий эркинлик жамиятга, давлатга ҳамда одамларга қай даражада фойда келтиришини кўришимиз мумкин. А.Смит “кўринмас қўл”ни бозор механизми сифатида эътироф этган.

¹⁰ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Кн. 1—2 / Антология экономической классики. М., 1993. Т. I. стр. 89.

Бозор иқтисодиёти бир марказдан туриб бошқарилмасда, у муайян тартиб ва қоидага амал қилади. Хўжалик фаолиятининг ҳар бир иштирокчиси ўз мақсадини кўзлаган ҳолда иш юритади. Бироқ, бундай шароитда ўзи учун деб фаолият юритаётган алоҳида кишиларнинг қандай уйғунлашишини А.Смит ушбу назарияси орқали тасвирлаб, тушунтириб берган, ҳамда биринчилардан бўлиб бу муаммони илмий асослаган олим бўлди. У шундай ёзади: Ҳар бир киши ўз фаолиятини кўпроқ қиймат келтирадиган қилиб ишлатишга ҳаракат қилади. Одатда, у жамият фойдасига таъсир кўрсатишни назарда тутмайди ва унга анча таъсир кўрсатаётганини сезмайди. Гап шундаки, ўз манфаати йўлида хизмат қилаётган ҳар бир одам пировард натижада ижтимоий маҳсулотнинг кўпайишига, жамият бойлигининг ошишига ёрдам беради. Шахсий манфаатга интилиш ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, тараққиётига олиб келади. Ҳар бир киши ўзини ўйлаб иш юритади, бундан бутун жамият ютади.

Демак, А.Смит фикрларидан келиб чиқиб, ўзимизга қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

- эркин иқтисодиёт одамларни ўзларининг буюмларини авайлаган ҳолда, фаолият юритишга ундайди;
- ўз мақсадига эришиш йўлида тинимсиз изланиши нафақат ўзига, балки давлат, жамият ҳамда ўз рақибларига ҳам фойда келтириши мумкинлиги;
- турли соҳада фаолият юритган ҳолда бошқа соҳа вакиллари билан уйғунлашуви, яъни жамият манфаати йўлида ўзи сезмаган ҳолда иш фаолияти натижасида бирлашуви.

Классик иқтисодий мактабнинг Франциядаги изчил давомчиси бўлиб Жан Батист Сей ҳисобланади. Бу иқтисодчи олим Адам Смит таълимотини давом эттирган ҳолда, унинг “Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқот” асарига асосий эътиборини қаратади. Иқтисодий эркинлик, яъни либерализмни у ўзининг “Сиёсий иқтисод трактати ” асарида баён қилган.

Жан Батист Сей А.Смитнинг эркин бозор, баҳонинг эркин шаклланиши, ички ва ташқи савдо, тадбиркорларнинг чекланмаган эркин рақобати ва протекционизмнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик тамойилларини қўллаб қувватлаган ҳолда ўзининг “бозор қонуни”ни яратди.

Агар бу тамойиллар қўлланилса, Жан Батист Сей башоратига кўра, ортиқча ишлаб чиқариш ҳам, ижтимоий маҳсулотни тўла истеъмол қилмаслик ҳам бўлмайди, яъни иқтисодий инқирозларнинг объектив зарурлиги келиб чиқмайди.

Унинг “бозор қонуни”ни моҳиятига кўра, ҳар қандай ишлаб чиқариш даромадларни келтириб чиқаради, бу даромадлар қиймати уларга тенг бўлган товарлар сотиб олинади, ялпи талаб эса ҳамиша ялпи таклифга тенг бўлади. Бошқача қилиб айтганда товарлар таклифи ўзи учун шахсий талабни яратади, яъни ўз товарини сотиб даромад олган ҳар бир киши ушбу даромадга мос равишда талабни келтириб чиқаради.

“Сей қонуни”нинг муҳим томони шундан иборатки, иқтисодий либерализмнинг барча принципларига жамият томонидан риоя қилинса, ишлаб чиқариш (таклиф) ўзига мос равишда истеъмолни(талабни) келтириб чиқаради. Яъни товар ва хизматларни ишлаб чиқариш А.Смитнинг “табиий тартиб” (пулнинг пассив ролига асосланган меҳнат натижаларини айирбошлаш) шароитида, албатта, шундай даромадларни келтириб чиқарадики, уларга бу товар ва хизматлар эркин амалга оширилади.

Ҳар бир фикрнинг бир ижобий ва бир салбий томони борки уни тубдан яхши деб бўлмайди. Албатта, ўша даврнинг ўзида ҳам бу иқтисодий қарашлар ўз рақобатчи фикрлари билан бирга яшаган. Аммо, бу қонунлар ўша давр иқтисодий сиёсатини олиб боришда бош омил ҳисобланган. Камчиликлари бартараф қилинган ҳолда концепциялар қайта кўриб чиқилган ва қайта омма эътиборига намоиш қилинган.

Иқтисодий эркинлик тушунчасини илгари сураб эканмиз, бунда биз эркинликни бозор ўз фаолиятини юритиш даврида амалга ошириш

лозимлигини таъкидламоқчимиз. Буни тарихда ўз илмий қарашлари билан исботлаган олим Милтон Фридмен фикрларида кўришимиз мумкин.

Бозор механизми устунлигига асосланган Милтон Фридман назариясига кўра, эркинлик ва хусусий тадбиркорлик ўртасида ўзаро ички боғлиқлик мавжуд. Фақат хўжалик эркинлиги шароитида сиёсий эркинликка, иқтисодий самарадорликка ва тенгликка эришиш мумкин: иқтисодиётда нима қилиш кераклигини миллионлаб кишилардан кўра давлат амалдорларининг яхши билиши даргумон, дейди М.Фридмен. Давлатнинг хўжалик жараёнларига аралашуви иқтисодиётнинг ўзини-ўзи тартиблаш тизимини бузишга олиб келади. Шунинг учун давлат пул ва ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаган ҳолда, пул муносабатларини назорат қилиш билан чекланмоғи лозим. Бу фикрлар жамланмаси ҳозирда иқтисодчи олим, профессор, ҳамда тадқиқотчилар томонидан илгари сурилиб, муҳим лойиҳавий ишларга қўл урилиб келинмоқда.

Миллий иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривожланиб бориши натижасида аҳолининг шахсий эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ортиши эркинлаштириш жараёнини кенгайтиришни кўриб чиқиш заруриятини вужудга келтиради.

70 - йилларнинг ўрталарида кўпгина ғарб давлатларида ФТТ натижасида ишлаб чиқаришда чуқур таркибий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Иқтисодиётни ва шу билан бирга унинг таркибини бошқаришда давлатнинг роли сезиларли даражада ортди. Ҳозирги ривожланган давлатларнинг иқтисодий сиёсатида ҳам эркинлаштириш масаласи асосий ўрин эгаллайди. Унда ижтимоий жараёнларнинг аҳамияти ҳам ортиб боради. Натижада ЯИМ таркиби борган сари ижтимоий йўналишга эга бўлиб боради. Иқтисодиётни эркинлаштиришга икки хил ёндашув мавжуд. Кейнсча ёндашув тарафдорларининг фикрича, бозор ресурсларининг оптимал ишлашини кафолатламайди, барқарор ўсишни таъминламайди. Шунинг учун давлатнинг фаол аралашуви керак деган фикрни илгари суришади. Бундай қарашнинг юзага келишига маълум сабаблар асос бўлди.

XX аср 20 йилларининг охири ва 30 йилларининг бошида ғарбдаги бозор иқтисодиёти "Буюк депрессия" номи билан машхур бўлган дахшатли инқироз ва узоқ давом этган макроиқтисодий беқарорликка дучор бўлди.

XX асрнинг буюк иқтисодчиси кейнсчилик иқтисодий мактабининг асосчиси Жон Мейнард Кейнс 1929-1933 йилларда рўй берган инқироз шароитини ҳисобга олиб, 1936 йилда чоп этилган "Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" деб номланган асарида классик ва неоклассик йўналишдаги назарияларни танқидий нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, иқтисодиёт илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб, уни бойитди. Ж.М.Кейнс назариясининг эътиборли жиҳати шундан иборатки, у макроиқтисодий масалаларга бағишланган. Кейнсдан олдинги иқтисодчилар микроиқтисодий таҳлилни микроиқтисодий даражада ўтказган бўлсалар, Кейнс уни бутун иқтисодиётга тадбиқ этади. Кейнс таълимотининг асосий ғояси шуки, бозор иқтисодиёти муносабатлари тизими мукаммал ва ўз-ўзини автоматик равишда тартибга сола олмайди. Шу сабабли иқтисодиётда таркибий ўзгаришларсиз бандликни ва иқтисодиётни ўсиши фақат давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви орқали таъминлаш мумкин, деган хулосага келиш асослидир. У қуйидагиларни ёзади: "Бизнинг пировард мақсадимиз биз яшаб турган ҳўжалик тизими доирасида марказий ҳокимият томонидан онгли назорат қилиш ва бошқариш мумкин бўлган йўлга ўзгарувчан омилларни танлаб олишдан иборат"¹¹.

Бу билан Кейнс иқтисодиётни давлат томонидан тартибланиши зарурлигини таъкидлайди. Кейнснинг бу фикри 1929-1933 йилги дахшатли инқироз даврида ўз самарасини берди. Давр ўтиши билан Кейнс таълимотига янгиликлар киритилди ва такомиллаштирилди. Натижада Кейнс таълимоти неокейнсчилик, яъни янгиланган кейнсчилик назарияси номини олди.

Кейнсчилардан фарқлироқ либерализм оқими тарафдорлари бозор иқтисодиётига хос эркин фаолият юритиш қоидаларига йўл очиб бериш зарурлигини, иқтисодиётда бозор регулятори орқали мувозанатга эришиш

¹¹ Кейнс Дж. М. "Общая теория занятости и денег" М.: 1978 г, стр. 428.

мумкинлигини таъкидлайдилар. Улар Кейнсчиларнинг давлатни иқтисодиётга фаол аралашуви ҳақидаги ғояларини иқтисодий тоталитаризм деб қарайдилар ва унга қарши чиқадилар.

Неолиберализм тарафдорларининг фикрича давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ресурсларни тақсимлаш ва инвестицион фаолиятни аввал бошда-ноқ самарасизликка маҳкум қилади деб таъкидлашади. Улар давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслигини таклиф этишади. Неолиберализм ғоялари асосида "Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти" юзага келади, унинг асосчилари - немис олимлари В. Рёбке (1899-1966), В. Ойкен (1891-1950), Л. Эрхард (1897-1977) лардир¹². Бу концепция ГФР ва Швецияда яхши натижа берди, унинг асосий ғоялари Ўзбекистон иқтисодиётида қўлланилмоқда. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий қоидалари: давлат таркибий ўзгаришларни амалга ошириши; эркин нархларнинг зарурлиги; эркин рақобат; талаб ва таклифнинг мувозанати; иқтисодиётнинг мувозанати; давлат бозор ҳўжалигида шу шартларни кафолатлаши ва унинг ижтимоий йўналтирилган ривожини таъминлаш.

Иқтисодий фан тарихида иқтисодий мактаб таълимотлари томонидан илгари сурилган назарий қарашлар эволюциясидан келиб чиқиб уларни қуйидаги жиҳатларга кўра ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, иқтисодиётда давлат ва инсон алоқалари, иккинчидан, иқтисодий сиёсатда назарий таълимотлар билан асосланган йўналишлардан амалиётда фойдаланиш ҳисобланади.

Кўрасатилган жиҳатларга янада аниқлик киритиш ва асослашда уларни иқтисодий мактаб таълимотларининг назарий таснифини уч гуруҳга ажратиш лозим бўлади:

1. Индивудуал эркинлик тамойили;
2. Давлатнинг эркинлик тамойиллари;
3. Давлатнинг жамоа хусусиятидаги тамойиллари.

¹² Электронный ресурс: Фролова Т.А. История экономических учений, Таганрог: Изд-во ТРТУ, 2006. http://www.aup.ru/books/m172/1_1.htm.

1-Иловада келтирилган иқтисодий фан тарихидаги асосий мактаб таълимотлариинг иқтисодиётни эркинлаштириш тамойили қарашларининг таснифланишидан кўриниб турибдики, иқтисодиётни эркинлаштириш тамойиллари турли оқимлар томонидан турлича ёндашилган.

Хуллас давлатнинг иқтисодиёт ривожланишидаги ва таркибий ўзгаришларидаги роли муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, классик ва неоклассик таълимот тарафдорлари давлатнинг иштирокини имкон борича чеклашга таклиф этса, Кейнс ва кейнсчилар давлатнинг роли фаол бўлишини тарғиб этади. Реал ҳаётда Кейнс, некейнс, либерализм ва неолиберализм оқимларининг назариялари кўпинча бир-бири билан боғланиб кетади, қай бирини устун даражада қўллаш мамлакатда шаклланган объектив шарт-шароитга боғлиқ. Ўзбекистон иқтисодиётида эркинлаштириш (либераллаштириш)ни амалга оширишда юқоридаги назарий оқимлардаги илмий хулоса ва ёндашувларни мамлакатимиз шароитига мос томонларини танлаб олиб улардан ижобий фойдаланишга асосланади. Аммо бу концепция мавжуд назарияларнинг кўчирмаси эмас, балки уларни янги шароитларда қайта ишлаш ва ривожлантириш маҳсулидир. Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегиясида ижтимоий бозор хўжалиги назариясини қўллаш, шунингдек, Кейнсчиларнинг иқтисодиётда давлатнинг ролини кучайтиришдан иборат ғояларига амал қилинади. Хуллас, Ўзбекистон концепциясини биронта назарий оқимга боғлаб бўлмайди, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш Президентимиз И. А. Каримов томонидан асос солинган тараққиётнинг "Ўзбек модели" бўйича амалга оширилмоқда. Бу мазмунан Ўзбекистоннинг ўзига хос янги моделидир. Бу модел ўзининг мазмунига кўра, биз юқорида кўриб ўтган назария қарашларнинг синтезидир. Чунки, бизда бозор иқтисодиётига ўтишда "давлат бош ислохотчи", "кучли ижтимоий ҳимоя ва эволюцион йўл билан босқичма-босқич бозор муносабатларини шакллантириш" каби тамойиллар мазкур концепциянинг мазмун ва моҳиятига тўғри келади.

1.2. Иқтисодиётни эркинлаштиришига ҳозирги замон ёндашувлар- нинг хусусиятлари

Барчамизга маълумки, бозор муносабатларининг ривожланиши иқтисодиёт субъектларининг эркин ҳаракатини таъминлашни тақозо қилади. Иқтисодий муносабатлар иштирокчилари мулкӣ ва фаолият эркинлиги уларнинг иқтисодиёт қонун-қоидалари асосида ўз имкониятлари доирасида ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишини англатади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш - бу иқтисодиётга давлатнинг тўғридан тўғри аралашуви даражасини пасайтириш ҳисобланади. Бунинг учун, энг аввало, давлатга қарашли бўлган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш соҳасидаги чекловларни камайтириб бориш, солиқ юкини пасайтириш, совдо-сотиқ эркинлигини кенгайтириш, даромадларни бозорга ҳос қоидалар асосида тақсимланишига эришиш, эркин нархларга ўтиш, ташқи иқтисодий фаолиятга эркинлик бериш кабиларни амалга ошириш талаб этади.

Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг иқтисодий соҳасидаги энг асосий вазифалардан бири сифатида иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш зарурлиги Президентимиз томонидан белгилаб берилган. Айниқса, иқтисодиётда рақобат муҳитини вужудга келтириш ва ривожлантиришда мазкур жараён янада кўпроқ аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, эркинлаштириш тушунчаси, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг мақсад ва вазифалари ҳамда стратегияси энг аввало Президентимиз И.А.Каримовнинг бир қатор маърузаларида баён қилинган. Жумладан, эркинлаштириш тушунчаси «хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш

йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни»¹³ англатиши, «бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шarti»¹⁴ эканлиги таъкидланади.

Шунингдек, эркинлаштириш тушунчаси, унинг иқтисодий жараён сифатидаги моҳияти бугунги кунда мамлакатимиздаги бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилиб, турли манбаларда ёритиб берилган. Жумладан, иқтисодчи-олим, академик М.Шарифхўжаев «эркинлаштириш атамасининг луғавий маъноси ҳам эркин тадбиркорликни ёклаш, демократия тамойиллари асосида иш юритиш, эркин фикр ифодасидир»¹⁵, деб таърифлайди.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида кенг қўлланилаётган, иқтисодчи олимлар – Ш. Шодмонов, Р. Алимов, Т. Жўраевлар муаллифлигидаги «Иқтисодиёт назарияси» ўқув қўлланмасида биринчилардан бўлиб эркинлаштириш жараёнига таъриф берилган: «Иқтисодиётни эркинлаштириш – нима ва қанча ишлаб чиқаришни, қаерга ва қандай баҳода сотишни тадбиркорнинг ўзи белгилаши учун имкон бериш ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш демакдир»¹⁶.

Демак, юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, эркинлаштириш – хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган жараён; давлат томонидан белгиланган чора-тадбирлар тизими; иқтисодий сиёсат йўналишларидан биридир.

¹³ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 13-б.

¹⁴ Каримов И.А. Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишидаги маъруза, 2000 йил 1 февраль/ Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 53-б.

¹⁵ Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: Янги ғоялар, янги ютуқлар. – Т.: «Шарқ», 2002, 181-б.

¹⁶ Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Ҳ., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т., 2002, 144-б.

Эркинлаштириш жараёнининг моҳияти унинг вазифалари орқали янада тўлароқ намоён бўлади. Президентимиз таъкидлаганидек, «Иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа – энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини - функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат. Айниқса, хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш лозим. Умуман, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш зарур. Бунинг учун тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратишимиз керак».¹⁷

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилади. Чунки, иқтисодий манфаатдорлик ва соғлом рақобат каби бозор дастаклари таъсири остида ҳаракат қилувчи хўжалик субъектининг фаолияти фақат маълум эркинлик ва мустақилликлар таъминланган шароитдагина самарали бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш мавжуд корхона ва фирмалар билан бир қаторда янги корхоналарнинг бозорда эркин пайдо бўлишини, янги фирмаларни рўйхатга олинишининг соддалиги ва енгиллигини, янги фирмалар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг маҳаллий ва хорижий бозорларда эркин ҳаракат қилишини, хом-ашё етказиб берувчиларни ва миқдозларни эркин танланишини тақозо этади.

Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатлари амал қилишининг зарурий шартидир. Чунки, бозор иқтисодиётининг муҳим тамойилларини тўлиқ амал қилиши учун иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш талаб этади. Иқтисодиётнинг эркинлиги бир қатор муҳим сифат белгиларга эга. Улардан энг асосийси, товар ишлаб чиқарувчи нимани ишлаб чиқаришни, бунинг учун қандай технологиядан фойдаланишни ва ниҳоят, кимга сотишни ўзи мустақил равишда белгилаши лозим. Шунингдек, яратилган маҳсулот ёки хизмат турини танлаш, харид қилиш ёки хизмат

¹⁷ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 13-б.

қилиш ёки қилмаслигини харидор ҳам ихтиёрий ва мустақил равишда ўзи белгилайди. Шу боисдан бозорга чиқарилган товарни олди-сотди қилиш сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига асосланади, уни чеклаш ва таъқиқлаш моҳиятан бозор муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Бозор иқтисодиёти иқтисодий якка ҳокимликни инкор қилиб, товар ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва харидорларнинг эркин ўзаро рақобатини такоза этади. Бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи, яъни харидор ўз шартини қўяди. Товар эгалари, сотувчилар уни сотиш орқали харидорни ўзига қаратишга интилади. Ишлаб чиқарувчилар бозорга кишилар эҳтиёжини қондириш ва фойда олиш учун зарур миқдор ва турда товар ҳамда хизматларни сотишлари лозим бўлади. Бунинг учун улар нимани, яъни қандай турдаги ва миқдордаги товарни ишлаб чиқариш, бунинг учун қандай технологиядан фойдаланишни ва кимларга сотишни ўзлари ихтиёрий, мустақил равишда белгилайдилар. Улар иқтисодий фаолият эркинлигига эга бўлишлари лозим. Шунингдек, товар айирбошлаш, яъни олди-сотди қилиш муқобилликларига эга бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ҳаётнинг эркинлиги бозор қонунларининг эркин амал қилишида, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинлигининг мавжудлигида, давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг чекланганлигида ва асосан билвосита, яъни иқтисодий воситалардан фойдаланган ҳолда иқтисодиётни тартиблаш шароитларида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш бозор иқтисодий қонунларининг, иқтисодий фаолиятнинг ва танлаш эркинликларининг амал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг аралашувини зарурат даражасида чеклашни англатади. Эркинлаштириш нафақат бозор муносабатлари субъектларининг

хуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни, балки шу билан биргаликда уларнинг ўз фаолиятлари учун иқтисодий, молиявий, ва маъмурий масъулиятини оширишни ифодалайди.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали янада эркинлаштиришга йўналтирилгандир. Ўтиш даврида тартибга солинадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти босқичма-босқич шакллантирилмоқда. Бунинг натижасида давлатнинг иқтисодиётдаги улуши камайиб, нодавлат секторининг салмоғи ортиб бормоқда. Аммо, ҳали ҳам хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик фаолиятларининг эркин ривожланишига тўсиқ бўлаётган ва давлатнинг иқтисодиётга маъмурий йўл билан аралашувининг қўламлари кенглигича қолмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг моҳиятини очиб беришда унинг ўзига хос объектив мавжудлигини кўриб чиқиш лозим бўлади. Иқтисодий эркинлик кишилик жамиятига хос бўлган белги бўлиб, ҳар бир даврга мос равишда унинг даражаси амал қилади. Иқтисодий эркинликнинг икки жиҳати мавжудлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- Умумиқтисодий жиҳати, яъни иқтисодий мустақил бўлиш кишилик жамиятининг ҳамма босқичлари ва бўғинларига хос ходиса ҳисобланади.
- Иқтисодий жиҳати, яъни яшаш учун, истеъмолни тўлароқ қондириш учун иқтисодий неъматларга кўпроқ эгалик қилишнинг объектив тарзда мавжудлиги.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ўзи иқтисодий тизим эркинлигини изоҳловчи тушунча ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг моҳиятини очиб бериш учун иқтисодий эркинликнинг бош мезонлари нималардан иборат эканлигини аниқлаб олишимиз керак бўлади. Бу мезонларнинг иқтисодиётда амал қилишини ва турли соҳаларга тадбиқан ўзига хос хусусиятларини очиб бериш иқтисодиётни эркинлаштиришнинг

жиҳатларига баҳо бериш имконини беради. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий эркинлик мезонлари, улар мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Хусусий мулкчилик ва иқтисодиётда хусусий секторнинг устуворлиги. Бу бош мезон, чунки мулки йўқ субъект мустақил бўла олмайди, эркин фаолият юрғиза олмайди. Мулксизлик иқтисодий ташаббусни заифлаштиради ва иқтисодий ҳатти-ҳаракатларни челанишига сабаб бўлади. Оқибатда иқтисодий фаоллик бўлмай, иқтисодий тушкунликнинг келиб чиқишига олиб келади. Мулкдор бўлиш эса, мулк соҳибининг манфаатини юзага чиқаришга интилиш, иқтисодий фаолликни юзага келтиради. Мулккий мустақилликни индивидуал хусусий мулк билан чеклаб бўлмайди, чунки мулккий таркибнинг муҳим бўғини корпоратив хусусий мулк ҳам ҳисобланади. Хусусий сектор ўзгалар мулкчини ижарага олиш асосида ҳам ривожланиши мумкин. Шу боис хусусий секторни иқтисодиётдаги ҳиссаси унинг ресурсларга эгалик қилишдаги ҳиссасидан юқори бўлади.

2. Иқтисодиётнинг монополлашув даражаси. Монополиялар бозор иқтисодиёти ривожининг табиий маҳсули, лекин уларнинг фаолияти эркинликни чеклайди. Монопол рақобат шароитида эркинлик камроқ чекланса, соф монополия шароитида чекланиш миқёси анча кенг бўлади. Монополлашув даражаси, монополияларни, жумладан табиий монополияларни товар ва хизматлар яратиш ва уларни сотишдаги ҳиссаси белгилайди, аммо ҳиссанинг ўзи кифоя этмайди, чунки энг муҳими монополияни нарх белгилашга таъсири эта олишидир. Шу жиҳатдан қаралганда, эркинлик даражасини монопол ҳокимиятнинг нақадар тарқалганлиги орқали ҳам аниқлаш мумкин.

3. Давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражаси. Давлатнинг иқтисодиётга аралашув мезони шундайки, бу иш бозор механизмининг эркин амал қилишига ҳалақит бермаслиги талаб этилади. Шу меъёрдан чиқиб кетилганда, эркинлик жиддий чекланади. Давлатнинг иқтисодиётдаги мавқеини икки нарса тавсифлайди: биринчиси, давлат секторининг ЯИМни

яратишдаги ҳиссаси, иккинчиси, давлат истеъмолининг ЯИМдаги ҳиссаси. Иккинчи кўрсаткич биринчисидан юқори бўлади. Давлат истеъмоли эркинликни яқунловчи кўрсаткич эмас, чунки у нисбатан юқори бўлгани ҳолда эркинлик кучли бўлиши мумкин ва буни давлатнинг ижтимоий вазибалари изохлаб беради.

4. Нарх-наво эркинлиги. Нарх - бозор механизмининг асосий воситаси. Уни қандай шаклланишига қараб эркинликни тавсифлаш мумкин. Эркинлик талабига мукамал рақобатли бозордаги нархлар мос тушади, чунки улар эркин равишда ҳеч бир тайзиксиз талаб ва таклифга қараб ташкил топади. Монопол нархлар, жумладан давлатнинг монополия нархлари бозор эркинлигини чеклайди. Аммо давлатнинг ҳар қандай харид нархлари эркинликка зид деб бўлмайди. Агар давлат нархи бозордаги талаб ва таклиф таъсирига берилиб шаклланса, у эркинликни чекламайди. Давлат нархлари монопол, айниқса, монополия нархи шаклига кирганда, эркинлик доираси тораяди.

5. Ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги. Бу иқтисодиёт субъектларини эндоген муносабатларини қуришдаги мустақиллигини англатади. Эркин иқтисодий тизимда бу муносабатлар йўлидаги маъмурий тўсиқлар минимумга келтирилади, улар иқтисодий хавфсизликни таъминлаш даражасида сақланиб қолади. Эркинликнинг мазкур жиҳатини лицензия ва квоталарнинг оз ёки кўплиги, божхона тўловларининг экспорт ва импортдаги ҳиссаси белгилайди.

6. Даромад топиш эркинлиги. Эркин иқтисодий тизимнинг белгиси - бу субъектлар (фирма, хўжалик, ташкилот ва бошқалар) учун қонуний йўл билан даромад топишдаги чекланишларнинг бўлмаслиги. Бу тизимда даромадларнинг юқори чегараси бўлмайди, бой бўлиш таъқиқланмайди, аммо камбағалларни кўпайишига ҳам йўл берилмайди. Даромад топиш эркинлиги иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши кучли бўлишини билдиради.

Иқтисодий эркинлик, энг аввало, мулк шакллариининг турли туманлиги билан боғлиқдир. Мулккий плюрализм хўжалик юритиш шакллариининг хилма хиллигини таъминлайди. Даромад топишда мулкнинг иштироки. Унинг моддий ёки меҳнат шакллариининг қатъий назар, бозор талаби доирасида амал қилиб боради. Бунда, бир томондан иқтисодиёт субъектларининг ўзаро ҳамкорлигидаги муросалик юзага чиқса, иккинчи томондан максимум даромадга эга бўлиш борасидаги рақобатни келтириб чиқаради.

Хусусан бугунги кунда “Ўзбекистонда Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос ва мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинди”¹⁸.

Бундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, миллий иқтисодиётдаги эркинлаштириш кўрсаткичлари жамият ижтимоий-иқтисодий омилларга, тизим шароитига ва мамлакатда ҳукм сураётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ҳам бевосита боғлиқ бўлади.

Хуллас, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва иқтисодий эркинлик қуйдагиларнинг таъсирида бўлади:

- Хусусий мулк мавқеи ва таъсир доирасининг ортиб бориши унинг иқтисодиётда етакчи кучга айланишини таъминлайди.
- Кичик ва ўрта бизнесни ривожланиши ҳисобига иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун объектив иқтисодий вазият ва механизм яратилиб боради.
- Кўчмас мулк олди-сотди муносабатларининг авж олиши ҳисобига жамиятда мукдорлар синфининг таркибий қисми сифат жиҳатидан ўзгариб боради ва мулккий табақаланишнинг янги ҳолати ташкил топади.

¹⁸ И.Каримов Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: НМИУ, Ўзбекистон нашриёти, 2013 й. 3-бет.

- Миллий ва хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига жалб қилиниши реал шаклда амалга оширилиши учун моддий имкониятлар кенгайиши кузатилади.

- Мамлакатда экспорт ўрнини қопловчи ишлаб чиқариш таркибининг шаклланиши ва амал қилиши бозор турларининг янада ривожланишига ҳамда улар ихтисослашувининг кучайишига олиб келади.

- Ишлаб чиқарувчиларнинг бозор талаби доирасида кучли табақалашуви соғлом рақобат муҳитини қарор топишини таъминлайди.

- Мамлакатнинг экспорт салоҳияти ва қудратини ортиши натижасида жаҳон бозоридаги таъсири кучайиб боради.

Юқорида таъкидланган ижобий ўзгаришларни амалга ошириш иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида босқичма-босқич таъминланади ва иқтисодий эркинлик иқтисоднинг ривож топишига ва иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

1.3. Иқтисодий фаолият эркинлигининг меъёрий ҳуқуқий асослари

Ҳар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш амалдаги ҳуқуқий асослар қай даражада эканлигига боғлиқ бўлади. Амалдаги қонунчиликнинг мавжуд иқтисодий муносабатлар моҳиятига мос келиши, иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилига айланиб қолади. Иқтисодиётни эркинлаштиришда ҳам ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш талаб этиладики, бунда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади. Иқтисоднинг ривож топишини ҳуқуқий асосларсиз тасаввур этиш қийин. Чунки, ҳуқуқий нормалар самараси иқтисодий ривожланиш суръатларига бевосита боғлиқ бўлади. Агарда, ҳуқуқий меъёрлар етарли даражада ишлаб чиқилмаган бўлса, иқтисодиёт субъектларининг эркин фаолияти чекланган бўлади ва аксинча, ҳуқуқий меъёрларнинг тўлақонли яратилганлиги иқтисодий ривожланишга кенг йўл очиб беради. Шунинг учун иқтисодиётни

эркинлаштириш масалаларини таҳлил этишда ҳуқуқий асослар қандай аҳамият касб этишига эътиборни қаратишимиз лозим бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида кўрсатиб ўтилган. Унинг 53-моддасида “Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жihatдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди” деб таъкидланган¹⁹. Шунга асосан барча ҳуқуқий меъёрлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини таъминлаш қаратилган.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётини янада эркинлаштириш учун амалдаги қонунчиликни реал иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва янада ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг бош асосини хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат ва бошқа текширувчи ҳамда назорат қилувчи органларнинг ноўрин аралашувини чеклаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар ташкил этади.

Мамлакатимизда эркин бозор муносабатларига ўтишни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги 1503-сонли “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш” тўғрисида”ги Фармони чиқарилган.

Юқоридаги Фармонга асосан назорат қилувчи органлар томонидан мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш ва уларнинг фаолиятига ноўрин аралашиларга йўл қўймаслик мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар - юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва ревизия қилишни мувофиқлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қумитаси зиммасига юклади. Фармонга биноан назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Республика кенгаши ташкил

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. - 1992. - 12-бет.

этилди. Мулк шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектларни конун нормаларида ўрнатилган ҳуқуқлари асосида ўтказиладиган барча текширувлар фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилган ҳолдагина ўтказилади.

Марказдаги ва жойлардаги назорат органлари раҳбарларигина Республика кенгаши билан келишилмаган ҳолда текширув ўтказган тақдирда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиладилар. Чунки, кейинги йилларда турли текширувчи органлар ҳар хил сабабларни рукач қилиб хўжалик фаолиятига аралашиши даражаси юқорилиги яққол сезилиб қолмоқда.

Текширувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига режа бўйича ўтказиладиган йиллик, ярим ва чорак йиллик текширув жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш топширилган. Бундан ташқари, барча мутассади ташкилотларга ҳар бир корхонада ўтказиладиган комплекс текширув амалиётини жорий этиш юклатилган. Бундан мақсад - ўтказиладиган текширувлар сонини ва такрорий текширувларнинг қайталанишини камайтиришдан иборатдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, аввало, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашишини чеклаб қўйиш билан боғлиқ эканлигига асосий эътибор қаратилиб, бу соҳада текширишлар ва тафтишлар сонини кескин чеклаб қўядиган маълум қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, ҳозир ҳам корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш фикридан қайтмаган кишиларни қаттиқ жазолаш лозим бўлади.

Бундай тартибсизликлар учун хизмат бурчи юзасидан тадбиркорларнинг манфаатини ҳимоя этиши лозим бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиқ органларининг нопок ходимларига нисбатан талаб бир неча бор қўпроқ, жазо эса янада қаттиқроқ бўлиши керак¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис биринчи чалғириш XXIV сессияси материаллари, 1999 йил.

Шу мақсадда 1998 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш” тўғрисида”ги Фармони, шу асосида Вазирлар Маҳкамасининг “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари” тўғрисида”ги Қарори эълон қилинган эди. Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни қонунчилик томонидан тартибга солиниши 1998 йилнинг 24 декабрида Олий Мажлиснинг XIII сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилган.

Ҳозирги пайтда амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кўп сонли назорат органлари ўз фаолиятида такрорланишларга йўл қуймоқдалар, бу эса тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, хўжалик юритувчи субъектларни узоқ вақт мобайнида асосий ишдан чалғитмоқда.

Айтилган камчиликларни бартараф этиш учун, мамлакатимиз Президентининг бевосита ташаббуси билан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши ҳузурида текшириляётган хўжалик юритувчи субъектлар шикоятларини қабул қилиш гуруҳи ташкил этилди.

Гуруҳнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шикоятларни “ишонч телефони” орқали қабул қилиш ва уларни руйхатга олиш;
- келиб тушган шикоятлар мазмунини, уларнинг ишончлилигини аниқлаш мақсадида мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг ишчи гуруҳига етказиш;
- Кенгаш қарорига кўра, белгиланган тартибга зид ҳолда ўтказилаётган текширувни тўхтатиш ҳақида кўрсатма тайёрлаш ва уни ижро этиш учун назорат органларига йўллаш;
- қонунчиликда белгиланган тартибни мунтазам равишда бузиб келаётган назорат органлари ва мансабдор шахсларни аниқлаш мақсадида

келиб тушаётган шикоятларни таҳҳил қилиш, умумлаштириш ва туркумлаш.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган “ишонч телефонлари” ўзларининг самарадорлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда вазирликлар, идоралар, банклар ва бошқа ташкилотлар томонидан Ҳукумат қарорларига хилоф равишда мингдан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Улар кичик ва ўрта тадбиркорлик тараққиётига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Прокуратура органлари томонидан туман, шаҳар ҳокимлари чиқарган ноқонуний ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар устидан 137 та протест келтирилган ва 5 та тақдимнома киритилган. Уларнинг 49 фоизи Самарқанд вилояти, 20 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда.

Маҳаллий органлар ва идоралар тадбиркорларга кўмаклашиши ўрнига ҳар турли тўсиқлар ва ғовлар ўйлаб топишмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олишга келганларни газета ва журналларга обуна бўлишга, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ассоциацияси каби ҳар хил уюшма, жамғарма, бирлашма ва ассоциацияларга аъзоликка мажбур этишади. Улардан турли тадбирлар ўтказишга маблағлар ундириб олиш ҳоллари тез-тез учраб туради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланишида бир қатор тўсиқларга дуч келинмоқда. Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурий рэкет, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларни устидан жиноий иш қўзғатаман деб қўрқитиш, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда.

Давлат ва ижтимоий тузилмалар, биринчи навбатда, қонуннинг бажарилишини таъминлайдиган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тадбиркорлар ва корхоналар ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашаётганини изоҳлаш мушкулдир.

Текширувларни тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилгач, уларнинг сони 25 фоизга қискарди. Лекин, шунга қарамай, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан белгиланган тартибда келишмасдан текширувлар ўтказиш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Юқорида қайд этилган барча хато ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда эркин бозор муносабатлари жадаллаштириш мақсадида Давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар ваколатларини янада чеклаш юзасидан амалий ишларни жадаллаштириш кун талабидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Иқтисодиётга оид қонунчиликни қайта кўриб чиқиш. Бунда иқтисодиётни эркинлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали иқтисодиёт субъектлари фаолиятини янада эркинлаштиришга эришилади. Хусусан, давлатнинг солиқ сиёсатини, бож тўловлари меъёрларини, монополияга қарши курашишни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривож-лантириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий қоидаларни такомиллаштириш учун тегишли ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш иқтисодий эркинликни реал таъминлаб беришга хизмат қилади.

2. Иқтисодиётга оид қонунчиликни кўриб чиқишда тадбиркорлар қатламини кенг жалб этиш. Бунда амалдаги қонунларнинг реал ҳаётга қанчалик мос тушиши, қонунчилик ва тадбиркорлик фаолияти ўртасидаги зиддиятларнинг келиб чиқиш сабаблари, мавжуд муаммоларни қандай ҳал этиш мумкинлиги ва шунга ўхшаш муаммоли масалалар реал воқийликни ҳисобга олган ҳолда самарали ҳал этиш имконияти туғилади.

3. Қонунчиликка қатъий риоя қилиниши. Бунда ҳар қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар муқаррар жавобгарликка тортилиши, иқтисодий муносабат

иштирокчиларининг қонунга риоя этишларини таъминловчи тарғибот ишларининг кучайтирилиши, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширилиши ва оқибатда қонун қафолатини ошириш, уни жамиятнинг ишончли ҳимоя қуроли эканлигини таъминлашга эришиш кўзда тутилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини таъминлаш масаласини самарали ҳал этилишида ҳуқуқий меъёрларнинг амал қилиши маълум нисбийлик касб этади. Бу нисбийликни икки жиҳатини алоҳида кўрсатиш мумкин:

- Хўжалик юритиш учун эркин фаолият олиб боришга имконият яратиб берувчи қонунлар мавжуд бўлса, уларнинг амал қилиши сушт даражада бўлади, чунки турли текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг хўжалик фаолиятига аралашуви учун қонуности меъёрлар ва кўрсатмалар қабул қилинадики, уларга асосланиб хўжалик фаолиятига аралашув амалга оширилади.

- Амалдаги қонунлар ҳаётийлиги сушт даража касб этиб, қонунчиликдаги камчиликлар туфайли эркин иқтисодий фаолият чекланиб қолади. Бунда иқтисодий муносабатлар жараёнида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилишга мавжуд қонунлар кучи етарли бўлмайди. Демак, бундай камчиликлар мавжуд бўлганлигидан, турли чекловлар ва тўсиқлар юзага келиши муқаррар воқеяликка айланиб қолади.

Юқорида қайд этилган номутанасибликларнинг иқтисодий эркинликка салбий таъсир этувчи ҳолат сифатида мавжуд бўлиши тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти ўта долзарб масалага айлантириб қўяди. Бусиз тадбиркорликни ривожлантириш мумкин бўлмай қолади.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда унинг ўзига хос субъектив ва объектив хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодиётнинг таркибий тузилишининг янгича муносабатлар талабига жавоб бермаслиги, иқтисодиётнинг бир ёқлама характери, ташқи қарамлик, сиёсий беқарорлик ва шу каби ҳолатлар объектив хусусият сифатида тадбиркорликнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигига салбий таъсир этувчи субъектив ва объектив сабаблар инобатга олган ҳолда тегишли ишларни амалга оширилиши тадбиркорлар катлами мустаҳкамлаш имконини бериши сир эмас.

Ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш мақсадида кенг қўламли амалий дастурлар ишлаб чиқилди. Хусусан 2012 йил давомида мазкур дастур доирасида олтита муҳим қонун, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди. Шу билан бирга рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланиши талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилди. Давлат ва назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги билвосита алоқаси босқичма-босқич жорий этилмоқда²⁰.

Шунингдек, “Бугунги кунда Ўзбекистонда бизнесни рўйхатга олиш жараёни “бир дарча” тамойили асосида атиги икки кун ичида амалга оширилади ва бу энг яхши халқаро амалиёт талабларига тўла мосдир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилган бўлиб, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилик ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилиниши белгилаб қўйилган”²¹.

Албатта, зарурий шарт-шароитларнинг яратилиши масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томонида яратилган имкониятлардан тадбиркор-

²⁰ И.Каримов Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизациялаш йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2013.

²¹ Ўша жойда.

ларнинг тўлиғича фойдалана олиши, тадбиркорлик қобилиятларини муттасил такомиллаштириб бориши ҳисобланади. Лекин ҳамма тадбиркорлар ҳам замон талабларига мос иш юритмоқдалар, деб бўлмайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини янада кенгайтириш мақсадида ташкил қилинган қулай шароитлар давлат томонидан берилган кафолатларга қарамасдан, узоқни кўра билмаслик ва тажриба-сизлик натижасида баъзи камчиликларга дуч келмоқда. Маълум тоифадаги тадбиркорларнинг рақобатни ҳис қилмаслиги, реклама фаолиятининг ривожланмаганлиги, рекламадан фойдаланиб мижозларни кўпайтириш ўрнига тор доирада хизмат кўрсатиш ёки маҳсулот ишлаб чиқариш билангина қаноатланиб қолмоқдалар. Маҳсулотнинг кўринишига, сервис хизматига деярли аҳамият берилмайди.

Ҳозирги даврда ҳамма тадбиркорлар ҳам ўзларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқларини етарлича англаб етмайдилар. Оқибатда ўзларининг етишаман деган фойдадан ажралиб қолишлари, тижорат сирларини сақлашга етарли аҳамият бермаётганликлари кузатилмоқда. Шундай экан, тадбиркорларга яратилган қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар кулами кенг бўлишига қарамай самарали фаолият юритишнинг иложи бўлмайди. Шунинг учун тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашиш лозим. Бундай тадбирларни ташкил этилиши қуйидагиларнинг ривожланишига олиб келади:

- Маркетинг бошқаруви ва иқтисодий билимлар савиясини оширади.
- Янги технологиялар тўғрисидаги маълумотлар билан узлуксиз таъминланиб боришига эришилади.
- Бизнес режалар тузиш тажрибасини орттиради.
- Иқтисодий фаолият ҳуқуқини берувчи лицензиялар олишдаги сарсонгарчиликларга чек қўйилади.
- Солиқлар ўз вақтида тўланадиган бўлади.
- Бозор қоидаларига риоя қилиш кўникмаси ҳосил бўлади.

Тадбиркорлар учун қонунлар, имтиёзлар, устувор фаолият йўналишлари ҳақида аниқ, лўнда маълумотлар берувчи услубий қўлланмаларнинг тадбиркорларнинг қўлига тез ва осон етиб боришини таъминлаш зарур.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни қисқа вақт ичида ва осон ҳал этиш қийин албатта. Лекин, муттасил равишда иш олиб бориш, хўжалик фаолияти эркинлигини кенгайтиришни янада кучайтириш ва бунинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, турли вазирлик ёки уюшмаларнинг ички меъёрий кўрсатмаларини қисқартириш, ихтисослашган бозорларда эркин фаолият юритиш, монополистик сиқувларга барҳам бериш, маъмурий органларнинг тижорат фаолиятидаги манфаатларини чеклаш ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошириш тадбиркорликнинг ҳам ҳуқуқий ва иқтисодий эркинлигини таъминлаб беради. Шундагина бозор иқтисодиётига хос бўлган объектив иқтисодий қонунларнинг амал қилишига йўл очилади ва бозор иштирокчиларининг эркин фаолияти учун ҳуқуқий асос қарор топади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Иқтисодий фан тарихидаги асосий мактаб таълимотлариинг иқтисодиётни эркинлаштириш тамойили қарашларининг таснифланишидан кўри-ниб турибдики, иқтисодиётни эркинлаштириш тамойиллари турли оқимлар томонидан турлича ёндашилган. Маълумки, классик ва неоклассик таълимот тарафдорлари давлатнинг ишти-рокини имкон борица чеклашга таклиф этса, Кейнс ва кейнсчилар давлатнинг роли фаол бўлишини тарғиб этади. Реал ҳаётда Кейнс, неокейнс, либерализм ва неолиберализм оқимларининг назариялари кўпинча бир-бири билан боғланиб кетади, қай бирини устун даражада қўллаш мамлакатда шаклланган объектив шарт-шароитга боғлиқ. Ўзбекистон иқтисодиётида эркинлаштириш (либераллаштириш)ни амалга оширишда юқоридаги назарий оқимлардаги илмий хулоса ва ёндашувларни мамлакатимиз шароитига мос томонларини танлаб олиб улардан ижобий фойдаланишга асосланади.

2. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ўзи иқтисодий тизим эркинлигини изоҳловчи тушунча ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг моҳиятини очиб бериш учун иқтисодий эркинликнинг бош мезонлари нималардан иборат эканлигини аниқлаб олишимиз керак бўлади. Бу мезонларнинг иқтисодиётда амал қилишини ва турли соҳаларга тадбиқан ўзига хос хусусиятларини очиб бериш иқтисодиётни эркинлаштиришнинг жиҳатларига баҳо бериш имконини беради.

Эркинлаштириш – хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган жараён; давлат томонидан белгиланган чора-тадбирлар тизими; иқтисодий сиёсат йўналишларидан биридир. Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилади. Чунки, иқтисодий манфаатдорлик ва соғлом рақобат каби бозор дастаклари таъсири остида ҳаракат қилувчи хўжалик субъектининг фаолияти фақат маълум эркинлик ва мустақилликлар таъминланган шароитдагина самарали бўлади.

3. Ҳар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш амалдаги ҳуқуқий асослар қай даражада эканлигига боғлиқ бўлади. Амалдаги қонунчиликнинг мавжуд иқтисодий муносабатлар моҳиятига мос келиши, иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилига айланиб қолади. Иқтисодиётни эркинлаштиришда ҳам ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш талаб этиладики, бунда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади. Иқтисоднинг ривож топишини ҳуқуқий асосларсиз тасаввур этиш қийин. Чунки, ҳуқуқий нормалар самараси иқтисодий ривожланиш суръатларига бевосита боғлиқ бўлади. Агарда, ҳуқуқий меъёрлар етарли даражада ишлаб чиқилмаган бўлса, иқтисодиёт субъектларининг эркин фаолияти чекланган бўлади ва аксинча, ҳуқуқий меъёрларнинг тўлақонли яратилганлиги иқтисодий ривожланишга кенг йўл очиб беради.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ- НИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг тамойиллари

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт турини шакллантириш ва ривожлантириш иқтисодиёт субъектларининг эркин иқтисодий фаолиятини таъминлашга қаратилган. Иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш миллий иқтисодиёт субъектларининг бозор қоидалари асосида ривож топиб боришини англатиши билан бирга турли тармоқларнинг мутаносиб ўзаро алоқаларининг амал қилишини, мулк ва фаолият натижаларини эркин ўзлаштирилишини тақозо қилади. Шунинг учун бозор иқтисодиёти қонунларининг тўлақонли амал қилиши учун иқтисодий алоқа ва муносабатларда янгича механизмнинг амал қилиши керак бўлади. Оқибатда, мулкий турли-туманлик ва фаолият натижаларини мустақил ўзлаштириш соғлом рақобат муҳитини қарор топишини таъминлайди. Бу эркин иқтисодиёт тамойилларининг жорий этилиши орқали таъминланиб, иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашиб боришига олиб келади. Шунинг учун Президентимиз Ислом Каримов "... бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шarti бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат" эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.²²


Эркин иқтисодиёт тамойилларининг янада кенг жорий этилиши тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолати бўлиб, ишлаб чиқаришни бозор қоидалари асосида ташкил этишни, соғлом рақобат муҳитини шаклланишини ва ҳар қандай иқтисодий алоқалар манфаатлар заминида юзага чиқишини таъминлайди. Эркин бозор тамойилларининг жорий

²² И.А.Каримов. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқи.

этилиши ва амал қилиши иқтисодиётда шундай ҳолатнинг яратилишига олиб келадики, бу ҳолат объектив иқтисодий механизмнинг амал қилишини таъминлаб, бозор иштирокчиларининг иқтисодий фаоллигини муттасил ортиб боришига туртки бўлади.

Эркин иқтисодиёт тамойиллари мазмунан қуйидагилар билан белгиланади:

- хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги етакчи ўрни;
- тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги;
- соғлом рақобатчилик муҳитининг мавжудлиги;
- бозор турларининг эркин ташкил топиши ва ривожланиб бориши;
- иқтисодий алоқалар фойда ва даромад топиш манфаатлари заминида ташкил топиши;
- нархларнинг бозорда эркин шаклланиши;
- давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чекланганлиги.



2.2.1-Чизма. Эркин иқтисодиёт тамойиллари²³

²³ Чизма муаллиф томонидан тузилган.

Бу тамойилларнинг амал қилиши фақат ҳуқуқий қонунлар доирасида ўз ифодасини топиши керак. Энг муҳими, бозор қонунларининг, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинликларининг амал қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда иқтисодиётни тартиблашнинг бозор ва давлат механизмларининг уйғунлигини таъминлаш зарур. Бунинг учун эскидан қолган иқтисодий қарашлар ва иш олиб бориш қоидаларининг янги иқтисодиёт тамойилларига қандай йўсинда таъсир этаётганлигига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Эркин иқтисодиёт тамойиллари ҳақида фикр юритилганда эркин иқтисодиёт тушунчаси нимани англатишига ҳам эътиборни қаратишимиз лозим. Эркин иқтисодиёт - бу турли мулк шакллари ва тадбиркорлик фаолиятининг мавжудлиги ҳамда уларнинг эркин ҳаракати орқали иқтисодиёт субъектларининг фойда олишга интилишларини юзага чиқарувчи иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Эркин иқтисодиёт тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини таъминлар экан, бу ҳолат фойда олиш, наф кўриш, манфаатни қондириш кабиларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Эркин иқтисодиёт қуйидаги ҳолатлар билан характерланади:

1. Тадбиркорлар қатлами иқтисодиётнинг асосий субъектини ташкил этади ва улар даромадларини максималлаштиришга интилувчилардан ташкил топади.
2. Фирмалар қаттиқ рақобат шароитида фаолият юритадилар.
3. Молиявий интизомга қаттиқ риоя этилади.
4. Ресурслар бозори эркин бўлади.
5. Хўжалик ҳаётининг ҳуқуқий таъминоти кучли бўлади.
6. Истеъмолчилар талаби бозорга кучли таъсир этиб туради.
7. Товар ва ресурслар баҳоси, фоиз ставкаси, валюта курси бозорга қараб ўзгарувчан бўлади.
8. Жамғармаларнинг асосий қисми банкларда ва молия бозорида ҳаракатланади.
9. Давлат сектори очик ва тижоратлашган бўлади.

Ислохотлар даврида эркин иқтисодиёт асослари босқичма-босқич яратилиб келинди. Натижада мулкый монополизмга барҳам берилиб, хўжалик юритувчилар эркинлиги, уларда бозор учун ишлаш кўникмаларининг шаклланиши таъминланди. Агарда 1999 йили иқтисодиётда нодавлат сектор улуши 64,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йил 1-январ ҳолатига кўра 74,5 фоизни ташкил этди. Бу эса ўз навбатида хусусий тадбиркорликнинг ривож топиши туртки бўлиб, ўз мулкига эгалик қилиш, уни самарали ишлатиш, бозорни обдан урганиш, кам харажат сарфлаб кўпроқ даромадга эга бўлиш манфаатини келтириб чиқарди. Натижада 2003 йили яратилган ЯИМнинг 42,3 фоизи хусусий сектор ҳисобига тўғри келди.

Мусатақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида мулкчилик шакллари бўйича туб ўзгаришлар рўй берди. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар таркибида нодавлат сектор асосий ўринни эгаллади.

2.1.1-Жадвал

Ўзбекистон Республикасида 1995-2012 йилларда мулкчилик шакли бўйича ЯИМ ишлаб чиқариш таркиби²⁴. (фоиз ҳисобида)

Кўрасткичлар	1995	2000	2010	2011	2012
Ялпи ички маҳсулот	100	100	100	100	100
Шу жумладан,					
Нодавлат мулкчилиги	58,4	72,6	81,7	81,5	79,8
шундан,					
Фермер хўжаликлари	-	1,9	6,5	7,8	7,5
Хўжалик бирлашмалар	-	17,4	27,4	27,6	28,1
Қўшма корхоналар	-	5,2	14,2	0,9	0,9
Давлат мулкчилиги	41,6	27,4	18,7	18,5	20,2


2.1.1-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, нодавлат сектори улуши 1995 йилдаги 58,4 фоиздан 2012 йилда 79,8 фоизга етди, жумладан

²⁴ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Ўзбекистон НМИУ, 2011. ва Статистическое обозрение Узбекистана 2012 года.

хўжалик бирлашмалари улуши-28,1 фоиз, қўшма корхоналар ҳиссаси – 0,9 фоиз, хусусий фермер хўжаликлари улуши – 7,5 фоиз ва аҳолининг хусусий мулки – 20,2 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, 2010 йилда давлат мулкининг хусусийлаштирилиши ва кичик бизнес ривожининг рағбатлантирилиши ҳамда уларга берилаётган имтиёз ва эркинликлар натижасида Ўзбекистонда янги ижтимоий қатлам – мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Бу қатламнинг умумий сони қарийиб 6,5 миллион кишини, акциядорлар -1,4 миллион, хусусий фермер хўжаликлари эгалари – 80,6 минг, шунингдек, деҳқон хўжаликлари ва даромад келтирадиган бошқа мулк шакллари эгалари – 4,8 миллион нафарни ташкил этади.

Эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш борасида маълум ютуқларга эришилган бўлсада, буни етарлича ёки биз кўзлаган даражада деб бўлмайди. Айниқса, бозор муносабатларининг ривожига тўсқинлик қилаётган ҳолатлар ҳам мавжудлигини эътироф этишимиз керак. Булар:



2.2.1-Расм. Хусусийлаштириш жараёнида нодавлат мулкчилик объектлари ва янги корхоналар ташкил этиш. (хусусийлаштирилган барча корхона ва объектлар сонига нисбатан)²⁵

²⁵ Динамика Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Ўзбекистон НМИУ, 2011, Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюл-

1. Иқтисодий эркинликнинг етарли даражада эмаслиги.
2. Норматив ҳужжатларнинг тез ўзгариб бориши натижасида иқтисодий ўйин қоидаларининг ўзгариб туриши.
3. Иқтисодий маълумотларнинг етишмаслиги ёки уларни олишнинг қийинлиги.
4. Соғлом рақобат муҳитининг етарлича ривожланмаганлиги.

Албатта, бозор муносабатлари силлиқ кечадиган жараён эмас. Бунинг учун иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий муҳит муттасил шаклланиб, реал ҳаётини вазиятга мослашиб ривожланиб бориши керак. Айтиб ўтиш керак, бир вақтда иқтисодий эркинликнинг муҳим бўғини бўлмиш хусусий мулк таъсири кўчайиб, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бош омилига айланиши зарур.

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши очиқ иқтисодиётга хос бўлган белгиларнинг ривожланишига маъмурий тўсиқларни келтириб чиқармаслиги керак. Бу тўсиқлар экспорт ва импортни тартибга солишда, иқтисодий маълумотларнинг етишмаслигида, иқтисодиётнинг реал ҳолатини изоҳлаб берувчи иқтисодий таҳлилий материаллардан хабардор бўлишида намоён бўлиши мумкин. Натижада хусусий тадбиркорликнинг ривожини боши берк кўчага кириб қолиши, тадбиркорликнинг ривожланиши учун иқтисодий муҳитнинг торайиб кетиши юз бериши мумкин.

Эркин иқтисодиёт тамойилларининг жорий этилиши миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига кенг шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериши сир эмас. Бу орқали иқтисодий алоқалар бозорга хос тамойиллар асосида ташкил топади, бозор иштирокчиларининг мулкӣ ва иқтисодий табақалашуви содир бўлди. Оқибатда, соғлом рақобат учун иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд бўлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти асосан қуйидаги бешта устуворликни таъминлашга хизмат қилади:

- хусусий тадбиркорлик иш билан бандлик масаласини юмашатади ва индивидуал имкониятлар доирасида иш ўринларининг яратилишига олиб келади;
- бозор қоидаларига мос равишда даромад топиш учун шарт-шароит ҳозирлайди;
- Пул топишга бўлган қизиқишни кўчайтириб, товар ишлаб чиқаришнинг кўпайишига олиб келади;
- ўрта мулкдорлар ва ўрта ҳол аҳоли қатламини ташкил топишининг асосини ташкил этади;
- аҳоли турмуш фаровонлиги оширишнинг моддий асосини яратилишига хизмат қилади.

Эркин иқтисодиёт тамойилларининг жорий этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланишига шароит яратиб бериши ҳақида фикр юритилганда, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо-сотик эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Чунки, ўтиш даврида дастлаб, кичик кўламдаги тадбиркорлик турлари ривож топиб боради ва бир вақтнинг ўзида йирик ишлаб чиқаришнинг ҳам таркибий ўзгариши ва ривож топиши рўй беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нодавлат секторда салмоқли ҳиссага эга бўлиши билан бирга, йирик ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмига айланиб бориши ҳам юз бериши керак. Бундай жараёнларни иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширган кўпчилик мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Ёхуд, хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни таназзул ҳолатидан чиқариш учун дармон бўлиб хизмат қилади деб айтиш ўринлидир. Шунинг учун, хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига тегишлича эътибор берилмаслик иқтисодий ислохотлар самарасини таъминлашни чеклаш билан баробардир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши жамиятда ўрта ҳол қатламнинг шаклланиши ва кўпайиб боришининг бош асосини ташкил этади. Мазкур фаолиятнинг ҳар хил турлари билан шуғулланувчилар бозорга ишлаб пул топиш кўникмасини тўлиқ ўзлаштириб олишлари

натижасида ўзини, оиласини турмуш фаровонлигини муттасил ошиб боришига интилиб, истеъмом учун зарур бўлган неъматларни ўз меҳнати, мулки ва ишбилармонлиги орқали таъминлаб борадилар. Бу эса жамиятда иқтисодий барқарорликнинг ҳукм суришини, тинчлик ва тотувликни, келажакка ишонч билан қарашни қарор топтириб, аҳоли тушмуш даражасини ўсиб боришининг бош омилига айланиб қолади.

Бозор иқтисодиёти ҳозирги ривожланган мамлакатларда қарор топган бўлиб, бунда “Иқтисодий ҳатти-ҳаракатларнинг эркин, мустақил равишда юз бериши ва уларнинг бозор механизми орқали бир- бирига боғланиб мувофиқлашуви тушунилади”²⁶.

Бунинг маъноси шуки, замонавий бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиёт бўлиб, биринчидан, эркин товар-пул муносабатларига асосланади; иккинчидан, иқтисодий якка ҳокимликни, монополизмни инкор қилади; учинчидан, бозор иқтисодиёти социал мўлжалга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига эга бўлади; тўртинчидан, бошқарилиб, тартибланиб турувчи иқтисодиётдир. Шу боисдан ҳам ўзбек олимлари А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар таъриф беришганидек: “Бозор иқтисодиёти эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, социал мўлжалга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига эга бўлган ва бошқарилиб (тартибланиб) турувчи иқтисодиётдир”¹.

Эркин бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси иқтисодий плюрализм ҳисобланади. Бу тушунча мулк шакллари ва ҳўжалик юритиш усуллариининг хилма-хил бўлишида ўз ифодасини топади. Бунда турли мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги, мувозанатда бўлиши таъминланиб, улардан айримларининг ҳукмронлигига йўл қўйилмайди. Ҳўжалик юритиш усуллари ҳам турлича бўлади. Бу усуллар якка тартибда, жамоа- уюшмага бириккан ҳолда, шерикчилик-пайчилик ёхуд акционерлик асосида, ўз маблағига ёки қарзга

²⁶ Ўлмас А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Ноиқтисодий ўқув юртларига дарслик. -Т.: Меҳнат, 1995. 171-бет.

¹ Ўша ерда.

олинган маблағга таяниб хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш воситаларни ижарага олиб, ишлатиш кабилар кўринишида бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётининг эркинлиги унинг туб белгиларида ўз ифодасини топади. Лекин бозор иқтисодиётининг мазмуни ва белгилари ҳақида гап борганда, унинг тарихан таркиб топган икки турини бир-биридан фарқ қилиш лозим. Унинг биринчи кўриниши узок вақт давомида шаклланиб, ғарбдаги ривожланган мамлакатларда XIX асрнинг охиригача давом этиб келди. Иқтисодий адабиётларда у классик ёки эркин бозор иқтисодиёти деб ном олди. Унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

а) хусусий мулкчиликка асосланган ҳолда эркин иқтисодий фаолият юритилиши;

б) капитал ва ишлаб чиқаришнинг корхона миқёсида умумлашганлиги;

в) тадбиркорлар, ишчилар, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг шахс эркинлиги;

г) тадбиркорларнинг юқори фойда олиш учун курашлари;

д) иқтисодиётнинг талаб ва таклиф, эркин бозор баҳоси ва рақобат курашлари асосида тартибланиши;

е) аҳолининг ижтимоий ҳимоя табақалашувининг кучайиши²⁸.

XIX аср охири ва XX аср бошларидан буён амал қилаётган ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётининг асосий белгилари эса қуйидагилардан иборат:

а) мулкчиликнинг турли шакллариغا, яъни хусусий, давлат, жамоа, аралаш мулк шакллариغا асосланиб иқтисодий ва тадбиркорлик фаолияти юритилиши;

б) капитал ва ишлаб чиқаришнинг юқори даражада умумлашганлиги, мулкнинг бир қисми йирик монополиялар ва давлат кўлида тўпланиб, миллий ҳамда ҳалқаро миқёсда умумлашганлиги;

²⁸ Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. –Т., 2000. 48-бет.

в) иқтисодиётни тартибга солишда давлатфаол иштирок этиб, бунда у фан-техника тараққиёти ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда турли иқтисодий тадбирларни, ривожланиш истикболини аниқлаш, турли соҳалар ва тармоқлар ўртасидаги нисбатларни тартибга солиш чора-тадбирларини белгилаш вазифаларини бажарди;

г) хўжаликларни юритишда режа усулидан фойдаланишнинг кучайиши (бизнес режаси, маркетинг тизими орқали бошқариш);

д) ижтимоий ҳимояни кучайиши. Бунда давлатга, жамоалар ва хусусий кишиларга тегишли турли хил ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта фондларининг вужудга келиши¹.

Ҳар иккала ҳолат учун ҳам умумий бўлган эркин бозор иқтисодиётини ифодаладиган туб белгилар К.Р. Макконнелл ва С.Л.Брюларнинг “Экономикс” китобида қуйидагича кўрсатиб бергиланган:

1) хусусий мулк; 2) тадбиркорлик ва танлов эркинлиги; 3) шахсий манфаатининг инсон иқтисодий ҳатти-ҳаракатининг бош мотиви эканлиги; 4) рақобат; 5) баҳо, нарх ёки бозор тизимига таяниш; 6) ҳукумат, давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг чекланганлиги².

Хусусий мулкнинг мавжудлиги хўжалик субъеклари учун ўз ихтиёрлари билан моддий ресурсларни сотиб олиш, назорат қилиш ва улардан ўз билганича фойдаланиш эркинлигини таъминлайди. Улар ўз ҳамкорлари билан ҳуқуқий шартномалар тузиш эркинлигига ҳам эга бўладилар. Қолаверса, хусусий мулкчилик меърос қолдириш ҳуқуқи асосида мустаҳкамланади. Хусусий мулкчиликка боғлиқ равишда тадбиркорлик ва танлов эркинлиги иқтисодий эркинликни таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбиркорлик хўжалик субъектларининг иқтисодий ресурсларнинг ўз билганичи ҳарид қилишларини улардан ўзлари истаган товар ва хизматларини ишлаб чиқаришни ташкил этишларини ва ўзлари хоҳлаган

¹ Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. –Т., 2000. 48-бет.

² Қаранг: Макконелл К.Р., Брю С. Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер. с англ. 11-го изд. Т.1. –М.: Республика, 1992.- С. 51-53.

бозорларда эркин равишда сотишларини билдиради. Ҳар қандай сунъий тўсиқларга қарамасдан тадбиркорлар у ёки бу тармоққа ўз хоҳишларига кўра қирадилар ва ундан чиқадиладар. Танлаш эркинлиги эса қуйидагиларни ифодалайди:

- моддий ресурслар ва пул капитал эгалари ўз хоҳишларига кўра ушбу ресурслардан фойдаланадилар ва сотадилар, сотиб оладилар, ишлатадилар ҳамда ўзлари истаганича қарор қабул қиладилар;
- кишилар, ходимлар ўз хоҳишлари, қобилиятлари ва имкониятларига қараб истаган меҳнат ёки иқтисодий фаолият тури билан шуғулланадилар;
- истеъмолчилар даромад имкониятлари доирасида ўзлари хоҳлаган товар ва хизматларни истаган миқдорда харид қиладилар.

Истеъмол танлови эркинлиги танлаш эркинликларининг энг муҳими ҳисобланади. Чунки бозор иқтисодиётида истеъмолчи алоҳида ўрин тутди. Истеъмолчи суверенитетга эга бўлиб, барча товарлар ва хизматлар уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилади. Истеъмолчи хоҳиши барча эркинликларни белгилаб беради.

Танлаш эркинлиги ҳар бир субъектнинг ўзи учун наф ёки фойда олиш учун интилиши шаклида ҳам намоён бўлади. Ҳар бир иқтисодий субъектнинг шахсий наф, фойда ва даромад олишга ҳаракат қилиши, шахсий манфаат кўришга интилиши эса бозор иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бинобарин, тадбиркорлар ўз ҳаражатларини минималлаштиришга, эса максималлаштиришга ҳаракат қилишади¹.

Манфаатлар тўқнашуви оқибатида рақобат юз беради. Рақобат асосида ҳўжалик субъектлари ўз фаолиятини, хусусан, манфаатларини мувофиқлаштиришга интиладилар. Субъектларнинг ажралиши ва яқинлашиб ўз хатти-ҳаракатларини мослаштириши бозор иқтисодиётининг икки зиддиятли томонидир¹.

¹ Қаранг: Экономическая теория: учебник для студентов высших учебных заведений // Колл авт: К. Абдурахмонов и др. / -Т.: Шарқ, 1999-С. 162-165.

¹ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Ноиқтисодий ўқув юртларига дарслик. - Т.: Меҳнат, 1995. 174-бет.

Аҳоли турли табақалари даромадларининг тенглаштирилиши, давлатнинг ресурсларни, маҳсулотларни ва даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашни ўз қўлига олиши оқибатида кишиларда боқимандалик психологияси қарор топган эди. Умуман, иқтисодиёт давлат исканжасида эди. Шунинг учун марказлашган маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётни эркинлаштиришни англатади. Ушбу жараёни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Бунда биз марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш-эски хўжалик юритиш механизмини шунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканлигини қайта-қайта таъкидладик”¹, - деб айтди.

Эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

1. Тадбиркорлик мустақиллигига зид келувчи чеклашларни олиб ташлаш.
2. Ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслар олди-сотди муносабатларидаги тўсиқларни олиб ташлаш.
3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш.
4. Монополистик фаолиятларга жиддий зарба бериш.
5. Хусусий сектор манфаатларининг амалдорларга боғлиқлигини юқотиш.
6. Корхона фаолиятидаги молиявий чекловларга барҳам бериш.
7. Алоҳида корхона ва тармоқларга ҳаддан зиёд имтиёзлар беришни тугатиш.

Хуллас, эркин иқтисодиёт тамойилларининг жорий этилиши бозор муносабатларининг ривожланишини таъминлаб, иқтисодий муносабатлар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.:Ўзбекистон, 1995. 17-бет.

бозор қонунлари асосида ташкил топишини ва барқарор иқтисодий ўсиш учун иқтисодий шарт-шароитларни юзага келтириб, объектив иқтисодий қонунларнинг реал амал қилишини қарор топтиради.

2.2. Иқтисодиётни эркинлаштириш даражаси, унинг кўрсаткичлари ва омиллари

Иқтисодиётни эркинлаштириш даражаси ҳозирги кунда ҳеч ким томонидан маълум фоиз ёки рақам билан чегараланмаган. Буни биз фаолият турлари орқали кўришимиз мумкин.

Бу даража ҳар бир мамлакатнинг географик ўрни, аҳоли турмуш тарзи, ЯИМ, ЯМД, экспорт ва импорт салоҳиятлари орқали аниқланади ва фақатгина ўз ҳудудида қўллашга муваффақ бўлади.

Давлатнинг реал иқтисодий сиёсати иқтисодиётни тартибга солиш объектларига унинг таъсир кўрсатиш даражаси ва усуллари орқали намоён бўлади. Иқтисодиётга давлат таъсирининг асосий йўналиш ва усулларини 2-илова орқали кўриш мумкин. Эркинлаштиришни амалга ошириш, авваламбор, назарий жиҳатдан белгиланган маълум тамойилларга асосланмоғи керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, эркинлаштиришнинг кўрсаткичлари ва самарадорлик мезонларини аниқлаш имконияти вужудга келади.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуrolлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора тадбирлар ЯИМ умумий ҳажмининг барқарор ўсишига олиб келди. 2007-2012 йиллар давомида ўртача йиллик иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 8,5 фоизни ташкил этгани халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди. Хусусан глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш

даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади²⁷.




2.2.1-расм. Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатининг ўзгариш суръатлари.

2.2.1-Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, республикамизда 2007-2012 йиллар оралиғида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидаги энг юқори ўсиш 2007 йилда кузатилган, бунда ЯИМ ўсиш суръати 9,5 фоизни ташкил этган. 2009-2012 йилларда эса ЯИМ ўсиш суръати ўртача 8,1 фоизни ташкил этган. Албатта бундай пасайиш суръатлари бевосита жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсиридир. Шунингдек, юқорида таъкидланганидек, иқтисодиётнинг эркинлаштириш даражасини тавсифловчи жиҳат бевосита мамлакатнинг ташқи савдо айланмасига ҳам боғлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий ўсиш республикамизнинг ташқи савдо айланмаси 1990-2011 йиллар давомида 31,7 марта, жумладан экспорт 33,9- марта, импорт – 29 марта ошди. Натижада ташқи савдонинг ижобий сальдоси 56,6 марта ортди. 2012 йилда “Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби

²⁷ И.Каримов Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: НМИУ, Ўзбекистон нашриёти, 2013 й. 3-бет.

ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хом-ашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди»²⁸. Бундай ижобий натижаларни янада ёрқинроқ ифодасини 2.2.1-расмдан кўриш мумкин.



2.2.1-Расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси кўрсаткичлари²⁹.

Шу билан бирга, ўтган 2008-2012 йиллардаги экспорт ва импорт таркибини таҳлил қилар эканмиз, унинг таркибидаги пахта хом-ашё улуши (7,3%ни ташкил қилиб) камайиб, тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши (хизматлар 8,8%, энергия манбалари 38,8%, озиқ-овқат товарлари 6%, кимё маҳсулотлари 5%, қора ва рангли металллар 5%) ортиб бормоқда фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасида жами 2,3 миллиард АҚШ долларидадан ортиқ миқдордаги ижобий сальдога эришилди.³⁰ Шунга қарамай, ташқи иқтисодий фаолият соҳаси ҳали ҳам аҳамиятли даражада тартибга солинган ҳолатда қолмоқда.

²⁸ И.Каримов Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: НМИУ, Ўзбекистон нашриёти, 2013 й. 4-бет.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг 2008-2011 йиллардаги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

³⁰ Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2009 йил. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2010. –Б.31.

Жумладан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодийнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни, 2011 йилга келиб эса 54 фоизни ташкил этди.

Кейинги йилларда ташқи савдо ва тўлов баланслари ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо баланснинг ижобий салдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодийнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинди.

Бугунги кунда мамлакатнинг иқтисодий эркинлиги даражасини ўлчаш масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада баъзи олим ва мутахассисларнинг маълум фикр-мулоҳазалари, илмий-услубий ишланмалари ҳам мавжуд. Жумладан, россиялик профессор А.Ф.Шишкин «Иқтисодий эркинлик даражаси бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг хўжалик мустақиллиги даражаси, ишлаб чиқариш ресурслари ва уларнинг манбаларини, асосий капиталдан фойдаланиш усуллари, маҳсулот номенклатураси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари танлаш имкониятлари орқали ўлчанади»³¹, деб таъкидлайди. Бироқ бу кўрсаткичларнинг қай тариха ҳисобланиши тўғрисида умуман тўхталмайди.

Иқтисодий эркинлик даражасини ўлчаш борасидаги амалий ишланмалар сифатида «Наследие» Америка тадқиқот ташкилоти (Heritage Foundation) нинг тажрибаларини келтириш мумкин. Бу йил мазкур ташкилот 11 марта «Wall Street Journal» газетасида мамлакатларнинг иқтисодий эркинлиги индексини эълон қилди. Иқтисодий эркинлик, уларнинг белгилашича, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти бўйича муваффақиятга

³¹ Шишкин А.Ф. Экономическая теория: Учебное пособие для вузов. Кн. 2. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1996. – с.187.

эришишларига ҳукумат томонидан қўйилувчи тўсқинликлар миқдори орқали ўлчанади. Бунда солиқлар даражаси, савдо сиёсати, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, мулкчилик ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши даражаси, инвестициялар ҳажмининг ўсиши ёки қисқариши, капиталнинг четга чиқиб кетиши, пинҳона иқтисодиётнинг улуши каби 10 та асосий кўрсаткичлар ҳисобга олинади³² (З-Илова).

Агар Ўзбекистондаги иқтисодий эркинлик даражасини юқорида санаб ўтилган ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида баҳолаб чиқилса, бу борада аҳамиятли натижалар қўлга киритилганлиги ҳамда муҳим вазифалар белгиланганлигини кўриш мумкин.

Бунда улар томонидан иқтисодиётни эркинлаштириш даражаси ўртача арифметик ўрта кўрсаткичлардан фойдаланиб 1 дан 100 гача бўлган балли шкала бўйича аниқланади. Булар: бизнеснинг эркинлик даражаси, ташқи савдо эркинлиги, фискал эркинлик, давлат иштироки даражаси, монетар эркинлик, инвестиция эркинлиги, молиявий эркинлик, мулкнинг ҳимояланиш даражаси, коррупциядан ҳимояланиш даражаси, меҳнат эркинлиги³³. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг мазкур кўрсаткичлари 2-чизмада янда аниқ кўрсатилган.


Агар Ўзбекистондаги иқтисодий эркинлик даражасини юқорида санаб ўтилган ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида баҳолаб чиқилса, бу борада аҳамиятли натижалар қўлга киритилганлиги ҳамда муҳим вазифалар белгиланганлигини кўриш мумкин. Лекин ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Муаммони ҳал этишнинг муҳим йўлларида бири, мулк шаклидан қатъий назар, турли соҳа ва тармоқлар таркибидаги хўжалик субъектларининг бир-бирлари билан олди-сотди муносабатларини бозор талаби доирасида

³² Почему Россия заняла 124-е место из 161? «Аргументы и факты», №5, 2005, с.6

³³ 2010 National Trade Estimate Report on Foreign Trade Barriers; World Bank, *Doing Business 2010 and Doing Business 2011*; U.S. Department of Commerce, *Country Commercial Guide*, 2008–2010; Economist Intelligence Unit, *Country Report and Country Commerce*, 2008–2010; официальные публикации оцениваемых стран.

эркин амалга оширишни, яъни савдо эркинлигини янада эркинлаштиришни ва бунга тўсқинлик қилувчи турли чекловларни олиб ташлашни талаб этади.



2.2.1-Чизма. Иқтисодиётни эркинлаштириш даражасини аниқловчи кўрсаткичлар³⁴.

Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш муаммосидан кўра сотиш муаммоси биринчи поғонада туради. Демак, савдо-сотиқнинг авж олиши даромадни ўстиришга бўлган интилишни кучайтириб, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига туртки бўлади».³⁵

Таъкидлаш лозимки, бозор шароитида монополияларнинг ўзи эмас, балки уларнинг тармоққа янги рақобатчиларнинг кириб келишини чеклаш, рақобат йўлида тўсиқлар ҳосил қилиш имкониятлари хавфлидир. Шунга кўра, рақобатни ривожлантириш муаммоси монополияга қарши сиёсатни кучайтириш орқали давлат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига бевосита аралашуви соҳасини мақсадга мувофиқ равишда чеклашни тақозо этади. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида уни тартибга солувчи 200 дан ортиқ

³⁴ Чизма муаллиф томонидан ишланган.

³⁵ Хасанов Р. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари //Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари ва истикболлари мавзусидаги Республика илмий-амалий семинар материаллари. 18 март 2003 йил. Т., 2003, 26-28-б.

конун хужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди. Бунинг натижасида 26 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 76 та идоравий меъёрий-ҳуқуқий ва қонун ости хужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

Шунингдек, 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган.³⁶

Бу орқали хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлашда давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш орқали ҳал этиш кўзда тутилган.

Президентимиз И.Каримов ўз маърузаларида бунга алоҳида эътибор бериб, “Эскирган, сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ва кўпинча ҳеч кимга кераги бўлмаган чеклов ва тақиқларни бартараф этиш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини янада кескин камайтириш даркор”³⁷-деб таъкидлаб ўтганлар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида рақобатчилик муносабатларини такомиллаштириш қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

- бозор ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш жараёнида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиришда маънавий, маданий, ахлоқий ва руҳий омиллардан фойдаланишни кучайтириш;
- монопол йирик корхоналар таркибида шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи турли мулкчилик шаклларига асосланган кичик корхоналар ташкил этиш;
- иқтисодиётни эркинлаштириш тамойилларидан фойдаланган ҳолда

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. –Б.92.

³⁷ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январ.

хусусий соҳа корхоналари рақобатбардошлигини таъминловчи ишлаб чиқариш тузилмасини яратиш ва янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш;

- ишлаб чиқариш ресурсларидан тўла ва унумли фойдаланиш учун зарур иқтисодий тадбирлар, жумладан нарх белгилашни такомиллаштириш, имтиёзли кредитлаш, банклар фаолиятини кучайтиришни амалга ошириш ва ҳ.к.

Бундай тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши иқтисодиётда рақобатчилик муносабатларини такомиллаштириш, унинг иқтисодий эркинлик даражасини оширишга имконият яратади.

Рақобатнинг тўлақонли амал қилиши иқтисодий жараёнларнинг эркинлигини тақозо этади. Иқтисодиётдаги фаолият ва жараёнларнинг эркинлигининг ҳар қандай кўринишдаги чекланиши ўз навбатида рақобатнинг ҳам чекланиши ҳолатларига олиб келади. Бугунги кунда маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтаётган кўплаб мамлакатлар учун эркинлаштириш жараёнларини амалга ошириш хос бўлиб, бу жараён орқали қуйидаги ҳолатларга эришиш кўзда тутилади:

- мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллари ривожлантириш орқали кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш;

- мулкчилик соҳасидаги давлат монополизмига барҳам бериб, хусусий секторни ривожлантириш;

- иқтисодиётда рақобат муҳитини яратиш, монополия ҳолатларини бартараф этиш ва тартиблашни такомиллаштириш;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ва молиявий масъулиятларини ошириш, улар фаолиятига давлатнинг аралашувини чеклаш;

- бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимини такомиллаштириш, банк ислохотларини жадаллаштириш;

- ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валютани тартибга солишни эркинлаштириш ва бошқалар.

Кўриб чиқилган ҳолатлар иқтисодий субъектлар фаолият эркинлигини таъминлаб, уларнинг танлаш имкониятига эга бўлишига ҳамда рақобат муҳитининг ривожланишига асос яратади.

II- боб бўйича хулосалар

1. Эркинлаштиришни амалга ошириш, авваламбор, назарий жиҳатдан белгиланган маълум тамойилларга асосланмоғи керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, эркинлаштиришнинг кўрсаткичлари ва самарадорлик мезонларини аниқлаш имконияти вужудга келади. Умумлаштирилган ҳолда эркинлаштириш тамойиллари қуйидагиларни ўзида мусассамлаштирмоғи керак:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақил ва эркин фаолияти учун шароит яратиш;
- хўжалик фаолиятига давлат бошқарув ташкилотларининг барча бўғинлари томонидан аралашиниши чеклаш;
- фаолият юритувчи барча субъектлар ва уларни бошқариш механизмини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш;
- хўжалик субъектлари билан молия институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш.

2. Иқтисодиётни эркинлаштириш даражаси ҳозирги кунда ҳеч ким томонидан маълум фоиз ёки рақам билан чегараланмаган. Буни биз фаолият турлари орқали кўришимиз мумкин. Бу даража ҳар бир мамлакатнинг географик ўрни, аҳоли турмуш тарзи, ЯИМ, ЯМД, экспорт ва импорт салоҳиятлари орқали аниқланади ва фақатгина ўз ҳудудида қўллашга муваффақ бўлади. Иқтисодий эркинликнинг жаҳондаги тан олинган даража ва кўрсаткичларини ҳисобга олиш ҳам зарур бўлади. Булар фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти бўйича муваффақиятга эришишларига ҳукумат томонидан қўйилувчи тўсқинликлар миқдори, солиқлар даражаси, савдо сиёсати, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, мулкчилик ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши даражаси, инвестициялар ҳажмининг ўсиши ёки қисқариши,

капиталнинг четга чиқиб кетиши, пинҳона иқтисодиётнинг улуши каби 10 та асосий кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Агар Ўзбекистондаги иқтисодий эркинлик даражасини юқорида санаб ўтилган ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида баҳолаб чиқилса, бу борада аҳамиятли натижалар қўлга киритилганлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Иқтисодий эркинлаштиришни соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиришга йўналтириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “Айни пайтда мазкур йўналишда яна кўп ишларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлаш керак. Мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити жаҳон тажрибасида қабул қилинган бизнесни юритиш мезонларига қай даражада мос келишини доимо кузатиб боришимиз ва тегишли қарорлар қабул қилишимиз зарур. Вазирлар Маҳкамаси бу ишга раҳбарлик қилиши, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бу масала билан тизимли асосда шуғулланиши мақсадга мувофиқ бўлур эди”³⁸.

Маълумки, рақобат - бу субъектлар манфаатининг тўқнаш келиши натижасида содир бўладиган курашни англатади. Субъектлар манфаати турли кўринишларда намоён бўлади. Манфаатларнинг мавжудлиги ва уларнинг фарқланиши рақобатни келтириб чиқарар экан, кишилиқ жамияти ривожланишининг ҳамма босқичларига рақибли ривожланиш хосдир. Шунинг учун рақобатнинг умумижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари мавжуд бўлади. Умумижтимоий рақобатда киши манфаатини акс эттирувчи барча хусусиятлар - ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва шу каби бошқа жиҳатлар асос сифатида юзага чиқади. Бу жиҳатлар ҳам жамиятда устун қаралиб, кишининг манфаатини ташкил этади ва рақобат жараёнида бевосита ҳисобга олинади.

Иқтисодий рақобатда инсон яхши яшаши учун иқтисодий неъматлардан кўпроқ барҳаманд бўлиши, истеъмол товарлари ва хизматларига эгалик қилиши манфаати юзага чиқади. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий

³⁸ И.Каримов Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизациялаш йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2013.

рақобатни юзага чиқариш воситаси бўлган пул, уни топиш ва кўпайтириш манфаати устун қўйиладики, пул топишга бўлган манфаат иқтисодий рақобат мавжудлигини реал воқеяликка айлантиради.

Рақобатнинг умумижтимоий ва иқтисодий жиҳати маълум нисбатда ўзаро бир-бирига таъсирда бўлсада, кишининг шахсий қобиляти, ресурсларга эгалик қилиш даражаси ва ҳаётий ҳодисаларга нисбатан қарашлари доирасида ўзгариб боради. Инсон учун истеъмолчи сифатида ҳаётий неъматларга эгалик қилиш манфаати муҳим бўлганлигидан рақобатнинг умумижтимоий жиҳатига иқтисодий рақобат устун даражада таъсир этади ва биринчи поғонага кўтарилади. Хусусан, иқтисодий манфаат устувор даражада жамиятдаги бошқа муносабатларга ўз таъсирини ўтказиб боради. Ўзбекистон иқтисодиётни эркинлаштириш даврида иқтисодиёт субъектларининг рақобатда бўлишлари ва бунинг учун зарурий асослар яратилганлиги бозор муносабатларининг маълум ривожланганлик даражасини билдиради.

3.1.1-жадвал.

Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантиришга таъсир этувчи кўрсаткичлари³⁹

Кўрсаткичлар	2000	2010	2011	2012
1. Савдо оборотини ЯИМ даги ҳиссаси /фоизда/	59,3	69,0	71,4	70,5
2. Нархларнинг эркинлик индекси	3,0	2,7	2,0	2,0
3. Хусусий секторнинг ЯИМдаги ҳиссаси /фоизда/	72,6	81,7	81,5	79,8
4. Савдо валюта операцияларининг эркинлик индекси	2,0	1,7	1,6	1,5
5. Рақобат индекси	2,0	2,0	2,0	2,0

3.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хусусий секторнинг ЯИМдаги ҳиссасини ошаётганлиги, нархларнинг эркинлик индекси ижобий томонга ўзгарганлиги рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш учун қулайликлар мавжудлигидан далолат беради. Хусусан, 2000 йилда

³⁹ Ўзбекистон 2011 Альманах. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2011 ва Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот таҳлилий бюллетень 2011 йил. Тошкент 2012 статистик тўпламлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

хусусий секторнинг улуши 72,6 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2012 йилга келиб 79,8 фоизни ташкил этган. Лекин, савдо валюта операцияларининг эркинлик даражасини изоҳловчи индекс ўзгариши салбий ҳолатнинг мавжудлигини англатади. Шунинг учун, ҳали рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришга етарлича иқтисодий шароит яратилган деб бўлмайди.

Ўзбекистонда рақобатнинг мавжудлиги ва унинг ўзига хос жиҳатларини рақобат субъектлари ва муҳити нуктаи назаридан фарқлаш керак бўлади. Буларни рақобатга кириши жиҳатидан куйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Давлатга қарашли корхоналар ва уларнинг рақобатга киришиши.
2. Йирик корпорация ва корхоналар тасарруфида ёки таъсирида бўлган кичик корхоналар ва уларнинг бозордаги рақобати.
3. Юридик мақомга эга бўлган кичик ва ўрта тадбиркорларнинг бозордаги рақобати.
4. Нақд пул оборотини устун қарайдиган хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг бозордаги рақобати.
5. Мулк шаклидан қатъий назар давлат таъсири ва назорати кучли бўлган хўжалик субъектларининг бозордаги чекланган рақобати.

Юқорида келтирилган корхоналар ва уларнинг бозордаги рақобати турли даражада амал қилиб, етуқлиги, таъсири ҳамда рақобат муҳитидаги мавқие жиҳатидан фарқланади. Иқтисодиётнинг йирик секторларига қарашли бўлган айрим монополь корхоналар ҳамда давлат таъсири кучли бўлган хўжаликларда соғлом рақобат муҳити эмас, балки тор доирада бир субъектнинг манфаати устун қўйилмоқда. Бундай ҳолатда бозорнинг объектив қонунлари ва субъектларнинг бозор учун ишлаш қондаси суст даражада бўлиб, соғлом рақобат муҳити шаклланмайди. Шунинг учун, рақобатни шакллантириш ва ривожлантиришда ҳар бир бозор иштирокчисининг реал ҳолатини ҳамда амалдаги рақобат муҳитини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Ўзбекистонда ҳалол ва ғирром рақобат усуллари маълум даражада коришма шаклида намоён бўлмоқда. Хусусий тадбиркорлик соҳасида рақобатнинг ҳалол усуллари кўпроқ амал қилиши билан бирга, рақобатнинг ғирром усуллариининг қўлланилиши айрим мутасадди раҳбарларнинг тазйиқи билан ҳам содир бўлмоқда. Бундай ҳолатларнинг мавжудлиги сабабли хўжаликлар етиштирилган маҳсулотни яшириш ёки миқдорини кам кўрсатиши кўзатилмоқдаки, улар иқтисодий адолатсизликлардан сақланиш чораларини кўриш масаласига эътиборини кучайтирмоқда. Бундай ҳолат бозор иштирокчиларининг соғлом рақобатда бўлишига жиддий салбий таъсир этиб, ғирром рақобат кўринишларининг янада томир ортишига шароит ҳозирлайди.

Рақобат ресурсларни, мулкни, товар ва хизматларни олди-сотди жараёнида юзага чиқади. Лекин унга зимдан тайёргарлик кўриб бориш талаб этилади. Рақобат бозорлар мавжудлиги, уларнинг амал қилиши даражасига боғлиқ бўлади. Савдо-сотиқ муносабатлари чекланган шароитда соғлом рақобат муҳити бўлиши мумкин эмас. Ҳозирги вазиятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон бозорларида соғлом рақобат муҳитини барпо этишдаги муаммолар қуйидагилардан иборат:

- Маъмурий ислохотларни амалга оширилиши етарли даражада эмаслиги.
- Тармоқлар тузилишидаги номувофиқликлар ва ишлаб чиқаришда юқори технологияларнинг етишмаслиги.
- Соҳа ва тармоқлар миқёсидаги рақобатда адолат мезонларининг бузилиши.
- Мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги суйистеъмолликлари.
- Нарх белгилашда монопол мавқеининг сақланиб қолиши, хусусан иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторида нархларнинг кескин фарқланиши.
- Контрабанда йўли билан мамлакатга товарлар кириб келиши.

- Фаолият турини ва даромадларни яшириш ҳолларининг мавжудлиги.
- Соғлом пул муомиласи учун ҳозирги шароитдан келиб чиқадиган бозор инфратузилмасининг етарли эмаслиги.
- Миллий валютани хорижий валюталарга эркин алмаштириш имкониятларининг чекланганлиги.
- Субъектларнинг бозор иқтисодиёти қоидаларини чуқур тушуниб етмаганликлари.
- Иқтисодий жиноятчилик ҳолатларининг мавжудлиги.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш, уларнинг бир-бирига таъсирини аниқлаш ва қайси муаммони биринчилардан бўлиб ҳал этиш муҳим эканлигини белгилаб олиш зарур. Ўзбекистонда рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш борасида долзарб муаммолардан **биринчиси** нарх белгилашда монопол мавқийнинг сақланиб қолиши, хусусан иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторида нархларнинг кескин фарқланиши бўлса, **иккинчиси** соҳа ва тармоқларнинг рақобат курашида тенг иштироки учун тусиқлар мавжудлиги деб ҳисоблаш мумкин. Муаммолар куламини аниқлаш масаланинг бир томони бўлса, асосий жиҳат мавжуд муаммоларни қандай йўл билан ҳал этишга келиб тақалади.

Биринчи муаммони ҳал этишнинг дастлабки йўналиши аграр соҳада нархларни янада эркинлаштириш, харид нархларини бозор талаби доирасида шакллантириш, хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларни эркин сотиши кўламини янада кенгайтириш талаб этилади. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи саноат маҳсулоти нархига анча яқин, ҳатто юқори ҳам. Бундай ҳолат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида моддий манфаатдорликни кўчайтириши билан бирга, эркин бозор учун ишлаш куникмаларининг ҳам ортиб боришига олиб келади. Натижада соғлом рақобат муҳитини яратиш учун объектив иқтисодий шарт-шароитлар қарор топади.

Иккинчи муаммони ҳал этишнинг муҳим йўлларида бири, мулк шаклидан қатъий назар, турли соҳа ва тармоқлар таркибидаги хўжалик

субъектларининг бир-бирлари билан олди-сотди муносабатларини бозор талаби доирасида эркин амалга оширишни, яъни савдо эркинлигини янада кенгайтиришни ва бунга тусқинлиқ қилувчи турли чекловларни олиб ташлашни талаб этади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш муаммосидан кўра сотиш муаммоси биринчи поғонада туради. Демак, савдо-сотиқнинг авж олиши даромадни ўстиришга бўлган интилишни кучайтириб, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига туртки бўлади.

Ўзбекистонда ҳукумат томонидан ислохотлар жараёнига кўмак бериш, тегишли шарт-шароитлар яратиш ва ўз вақтида чиқарилаётган қарорлар иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришга ижобий таъсир этмоқда. Лекин, ушбу чиқарилган қарорларни ижорини таъминлаш босқичида айрим сусткашлик, унда белгиланган қоидаларга бефарқ қараш ҳоллари учрамоқда.

Бизнингча, дастлаб юқорида келтирилган муаммоларнинг ҳал этилиши рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада кенгайтиришга олиб келади ва эркин бозор муносабатларини ривожига учун шарт-шароитлар яратиш беради. Субъектларнинг даромад топишга бўлган қизиқишини кўчайтириб, юқори фойда олиш манфаатини оширади. Натижада рақобат иштирокчилари иқтисодий фаол субъектларга айланади. Демак, рақобат иқтисодий фаолликка ундайди. Шунинг учун рақобат бозор иқтисодининг асосий қонуни сифатида иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолади.

Ўтиш даврида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Бунда ҳалол рақобат усуллари билан бирга ғирром рақобат усуллари ҳам амал қиладик, улар қарийма шаклида намоён бўлади. Хусусий тадбиркорлар расмий ҳисоботлар учун ҳисоб-китоб юритадилар ва айни пайтда яширин ҳисоб-китобларни ҳам амалга оширадилар. Бундай ҳолат юридик шахслар фаолиятида ҳам мавжуд,

лекин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар фаолиятида кўпроқ кўзатилади.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини таъминлашда якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний шахслар фаолиятига алоҳида эътибор берилиши керак. Ҳозирда уларни уч тоифага ажратиш мумкин.

Биринчи тоифадаги кичик тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг даромад топишларидан мақсади кун кечириш, оиласининг кунлик эҳтиёжларини қондириб боришдан иборат;

Иккинчи тоифаси ўз даромадларини ўстириш орқали оила аъзолари турмуш даражасини юксалтирувчилар ҳисобланади;

Учинчи тоифаси эса хусусий капитали ҳажмини ошириб, қўшимча инвестиция учун иқтисодий имкониятини кенгайтиришга интилувчилардан ташкил топган.

Ҳозирги даврда учинчи тоифадаги хусусий тадбиркорлар кўлами кенгайиб бораётган бўлсада, лекин биринчи ва иккинчи тоифадаги хусусий тадбиркорлар салмоғи юқори ҳисобланади. Бу ҳолат, айниқса қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли қатлами ичида кўпчиликни ташкил этади. Шундай экан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги давлатнинг иқтисодий сиёсатида юқорида таъкидланган биринчи ва иккинчи тоифа тадбиркорлар қатлами манфаатларига асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун, дастлаб, савдо-сотиқ эркинлигини янада кенгайтириш зарур. Чунки, ҳозирги давр учун ишлаб чиқариш муаммосига нисбатан сотиш муаммоси биринчи ўринда туради. Агар савдо эркинлиги етарли даражада бўлмаса, бунинг таъсирида ишлаб чиқариш ҳам ривож топмайди.

Шунинг учун, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши борасидаги вазиятга эътибор бериш керак. Чунки, асосан шулар ҳисобидан хусусий тадбиркорлик кўлами кенгайиб, ривож топиб бориши мумкин бўлади.

Хусусий сектор ривожу учун иқтисодий фаолият эркинлиги зарурлиги сир эмас. Ўзбекистонда хусусий сектор ривожланишига кўмак берувчи ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилган. Ички ва ташқи инвестицияларнинг жалб қилиниши борасидаги иқтисодий кўрсаткичлар бунидалидир. Масалага ойдинлик киритиш учун хусусий секторнинг ривожига тўсқинлик қилаётган ҳолатлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз керак. Булар:

- Текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг хусусий тадбиркорлар фаолиятига ноўрин аралашуви.
- Иқтисодий эркинликнинг етарли даражада эмаслиги.
- Норматив ҳужжатларнинг тез ўзгариб бориши натижасида иқтисодий ўйин қоидаларининг ўзгариб туриши.
- Иқтисодий маълумотларнинг етишмаслиги ёки уларни олишнинг қийинлиги.
- Соғлом рақобат муҳитининг етарли ривожланмаганлиги.

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни англатадики, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесда ҳалол йўл билан иқтисодий фаолият юритаётган корхоналар билан бир қаторда фаолият натижаларини яшириб келаётган хўжалик субъекталари ҳам мавжуд экан. Фаолият тури ва натижаларини яшириш ҳоллари, айниқса, савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар, улар ичида жисмоний шахс мақомидаги тадбиркорлар фаолиятида кўпроқ кўзатилмоқда. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- Солиқ тўлашдан қочиш ёки кам миқдорда солиқ тулашни афзал кўриш.
- Даромадини яшириш орқали турли ижтимоий тадбирларга кўмак беришдан қочиш.
- Контрабанда йўли билан товарларнинг олиб келиниши.
- Текширувчи ва назорат қилувчи органлар эътиборидан қўрқиш.
- Ўз маблағини эркин ишлатиш имкониятининг чекланганлиги, иқтисодий эркинликнинг етишмаслиги.

Албатта, бозор муносабатлари силлиқ кечадиган жараён эмас. Бунинг учун иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий муҳит муттасил шаклланиб, реал ҳаётӣй вазиятга мослашиб бориши керак. Айни бир вақтда иқтисодиётда хусусий мулк таъсири кўчайиб, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бош омилига айланиши зарур. Хусусий мулк мавқеини янада ошириш учун қуйидагиларга асосий эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

- эркин иқтисодиёт тамойилларини кенг жориш этиш орқали очик иқтисодий муҳитни қарор топтириш.
- маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш.
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида минитехнологияларни кенг жориш этиш учун хусусий тадбиркорликнинг ихчам шакллари ривожлантириш ва бунинг учун давлат кўмагини кўчайтириш мақсадга мувофиқдир.
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат товарлари нархларининг шаклланишида маълум нисбатни таъминлаш зарур.
- фаолият натижаларидан олинадиган даромаднинг эркинлигини таъминлаш

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес хусусий секторнинг ўзагини ташкил этади, чунки у хусусий мулкчиликка асосланган. Хусусий сектор эса эркин бозор тизимининг таянчи ҳисобланади. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги салмоғи ва мавқеи даромадларни ўстиришнинг бозор механизмига мос тушади ҳамда иқтисодий эркинликнинг бош мезони бўлиб қолади.

3.2. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада эркинлаштиришда давлатнинг ролини ошириш

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини ўсиши, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқур-

лашуви бозор ва рақобат ролини кучайтирмоқда. Бу ривожланиш давлатнинг иқтисодий бошқаришини ўз олдига бир вазифа қилиб қўяди. Ҳозирги даврдаги дунёлари иқтисодий тизимида турли хил мулк шакллариининг қоришма шаклида амал қилиши билан бирга давлат секторлари мавжудлиги ҳам катта нуфузга эга. Шунинг учун бундай турли тизимларда давлатнинг иқтисодий бошқаришдаги роли ҳам турличадир.

Бозорни бошқариш иқтисодий, ташкилий, маъмурий, социал, психологик ва бошқа усулларда бўлиши мумкин. Бозор тизимида асосланган Европа мамлакатлари ва АҚШда бозор тизими тўлақонли амал қилса, собиқ иттифоқ мамлакатларида эса асосан давлатнинг иқтисодийга аралашуви ва уни бошқариш устун даражада бўлган.

Давлатнинг иқтисодийга аралашуви доимо мавжуд бўлган. Масалан, 1890 йилда давлатнинг хусусий монополияларга қарши антитрест қонунини дастлаб қабул қилинди ва АҚШда кейинчалик ҳам маълум йўналишдаги антимонопол қонунлар қабул қилинди. Лекин давлатнинг мақсади фақат бундай қонунлар қабул қилиш эмас, балки бу орқали корхоналар, корпорациялар реал тизимини, уларнинг эркин ҳаракатини таъминлашдан иборатдир.

Антимонопол қонунлар ҳал қилувчи рол ўйнайди, сабиб улар ягона корпорацияга у ёки бу маҳсулотнинг 40-50 фоизини ўз қўлида тўплашига, худди шунингдек, бошқа корпорациялар акциясини сотиб олишга, монопол баҳоларни белгилашга, корхоналарни ўзига қўшиб олишга йўл қўймайди.

Антитрест қонунчилиги монополия ривожланишига қаршилик кўрсатиб, жамиятни ундан манфаатдор бўлишини таъминлайди. Лекин иқтисодий асосланган тармоқларда, хусусан, табиий монополияларда монопол ҳукмрон бўлиши ҳам мумкин.

Масалан, табиий монопол бошқа фирмаларга нисбатан Ю, маҳсулот бирлигига кам сарф-харажат қилиб бутун бозорни таъминласа, шунда бу тармоқда монополия ҳукмронлик қилиши мумкин. Бунга бутун мамлакатни таъминловчи йирик фирмалар (электр энергия, газ, сув билан таъминлаш,

телефон хизмати ва ҳ.к.) киради. Лекин жуда кўп мамлакатларда бу тармоқлар давлатга қарашлидир. Бундай ҳаолатда кам сарф-харажат қилиб паст баҳо белгилаш орқали рақобатга кириш корпорация учун етарлича иқтисодий самара бермайди. Сабаби табиий монополиялар давлат мулки ва давлат томонидан бошқарилади, шунинг учун иқтисодий ва ижтимоий таъминлаш маблағи манбаи ҳам давлат ҳисобидандир. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда ҳам табиий монополия тармоқлари давлати томонидан бошқарилади.

Ҳозирги ривожланган мамлакатларда такрор ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи рақобатнинг кучайиши натижада давлатни иқтисодиётни бошқариши юқори даражадаги самарага эришиб, бозор тизимининг салбий томонларини камайишига олиб келди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, монополияга қарши кураш чора-тадбирларини кўришига эмас, балки бозор бажара олмаган қатор иқтисодий вазифаларни амалга оширишдир. Хусусан:

1. Бозор механизми сарф-харажатларни қоплаш муддати таваккалчилик даражасига боғлиқдир. 5-10 йил муддатла сарф-харажати қопланадиган тармоқларда хусусий капитал қатнашуви ёки натижасини пул шаклида баҳолай олмайди. Масалан, фундаментал тадқиқотларга қуролли кучлар таъминотига, меҳнатга лаёқатсизларга тўланадиган харажатлар джавлат зиммасига тушади.

Бу ерда давлат бошқарувчи куч сифатида эмас, балки мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида фаолият юритади.

2. Бозорни ўзини ўзи бошқариш имконияти чекланганлиги учун давлат зиммасига самарали талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, оптимал даражада бандлиликни, пул массасини, ҳажминини назорат қилиш орқали макроиқтисодий мувозанатни сақлаш каби вазифалар тушади. Бу иқтисодиётни ўзини ўзи тартиблаш механизми билан уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат иқтисодиётнинг нормал мувозанатда бўлишини таъминлар экан, бу борада катор вазифаларни бажаради:

- Бозор тизимини самарали функция қилиш учун ҳуқуқий базаси яратилади.
- Соғлом рақобат муҳитини сақлаб туради.
- Бойликлар ва даромадларни қайта тақсимлайди.
- Миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурсларни тақсимотини тартибга олиб боради.
- Иқтисодиётнинг бир марода ривожланиши мақсадида бандлик даражаси ва инфляцияни назорат қилади, иқтисодий ўсиш учун рағбатни таъминлайди.

Ҳуқуқий база хусусий нархларга қонуний мақомни беради, индивидуал хусусий мулк ҳуқуқини беради ва шартнома(контракт)га амал қилишни кафолатлайди. Ҳукумат таъминотчи ва истеъмолчи ўртасидаги «ўйин қоида»ни белгилаб беради. Шу қонунлар асосида ҳукумат иқтисодий муносабатларни бошқарувчиси сифатида, ноҳақ иқтисодий субъектларни жазолайди. Ҳукумат ишлаб чиқарувчиларни истеъмолчиларга нисбатан ҳуқуқини меҳнатни сифати ва маҳсулот компонентини ўлчаш стандартини белгилайди, товарларни айирбошлашни таъминлаш учун пул тизимини яратади. Бу чора-тадбирларни ҳаммаси бозор тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун ишчилар билан менеджерлар ўртасида, фирмалар ўртасидаги муносабатларга таъсир қилади.

Лекин ҳукумат ҳаддан ташқари бозор субъектлари муносабатларини бошқара олмайди. Чунки иқтисодиётга ҳаддан зиёд аралашув иқтисодий рағбатни ва иқтисодий самарадорликни сусайишига олиб келади.

Рақобатни ҳимоялаш капиталистик иқтисодиётни бошқаришни асосий механизмларидан биридир. Рақобат истеъмолчининг ишлаб чиқариш устидан ҳукмронлигини, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни, баҳони аниқлаш, иқтисодий ресурсларни тақсимлашнинг рационал шакллари қарор топтириш ва бошқа имкониятларни яратади.

Давлат томонидан иқтисодиётни бошқаришнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- давлат мулкчилиги ва давлат тадбиркорлиги;
- молиявий дастаклар, солиқлар;
- давлатнинг молия-кредит сиёсати;
- иқтисодиётни программалаштириш;
- давлат томонидан меҳнат бозори ва бандликни бошқариш;
- инфляцияга қарши чора-тадбирлар;
- даромадларни тақсимлашни бошқариш, давлатнинг социал сиёсати.


Бошқаришнинг бу шакллари 3 хил даражада амалга оширилади:

1. Микро корхоналар, фирмалар доирасида.
2. Макро тармоқ доирасида.
3. Умумдавлат миқёсида.

Тўғридан-тўғри минимал даражада бошқариш микродаражада, максимал макродаражада бўлади. Бу иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик бошқариш тизимидан фарқ қилади. Давлат иқтисодиётга макродаражада таъсир этиш билан бирга, ўзига қарашли мулкни самарали ишлатиш фаолиятини ҳам амалга оширади.

Давлат мулки қийматига давлат ихтиёридаги ерлар, ўрмонлар ва бошқа ресурслар киради. Хусусан, давлат мулкига қуйидаги тармоқлар корхоналари киради: транспорт, йўл хўжалиги, алоқа, ҳарбий саноат, марказий банк, пул-кредит тизими, пул эмиссияси, ташқи иқтисодий алоқа банклари, узоқ муддатли кредит берадиган банклар.

Кейинги 30 йил давомида аралаш корхоналар вужудга келиши кучаймоқда. Масалан, хусусий давлат ёки давлат хусусий корпорациялари бунга мисол бўла олади. Баъзан, давлат мулк эгаси сифатида акцияга эга эмас, лекин у таърифларни, янги корхоналар, корпорацияларнинг молиявий аҳволини назорат қилади. Айниқса, ҳозирги шароитда давлат мулкни кенг ривожланиши бу давлат тадбиркорлигидан иборат. Бу ерда давлат хўжалик субъекти сифатида бевосита ишлаб чиқаришда қатнашади.



3.2.1-Чизма. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг давлат таъсири йўналиш ва усуллари.

Давлат тадбиркорлиги 2 та асосий масалани ҳал қилади:

1. ФТТ нуқтаи назаридан хўжалик тузилмасини ёки тизимининг ривожланишини таъминлаш.

2. Давлат корхоналари томонидан хусусий секторни ривожланиши учун субсидия бериш (пул маблағи билан таъминлаш) ҳамда уларни товарлар ва хизматлар билан таъминлаш. Давлат томонидан товарлар ва хизматларни харид қилиш аҳолини бандлигини кенгайтиради ва тўлов қобилиятини ўстиради. Давлатнинг бу харажатлари бюджет ва валюта фонди ҳисобига амалга оширилади. Давлат истеъмолини ҳажми ёки давлат бозорини ҳажми давлат томонидан сотиб олинадиган (харид қилинадиган) товарлар ва хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Давлатнинг товарлар ва хизматларни харид қилиш тузилмаси ўз ичига йўл, коммунал қурилиш, илмий-тадқиқот ишлари, таълим, социал-маданий эҳтиёжлар ва ҳ.к.ларни олади. Давлатнинг самарали талабни бошқариши бу макроиктисодий бошқарув бўлиб, молиявий ва кредит дастаглари билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Давлатнинг фискал-бюджет сиёсати самарали талаб ҳажмиша солиқлар орқали таъсир қилади. Давлат самарали талабни онгли равишда қўллаб-қувватлаш учун тақчил молиялаштиради, бунга давлат солиқларни пасайтириш йўли билан ёкт ижтимоий ишлар учун харажатларни кўпайтириш йўли орқали эришади. Давлат хусусий сектор харажатларининг бир қисмини ўзига олиб, ижтимоий ишларни инвестиция қилади. Бу бозор конъюктурасини тиклашга ва ишсизлик муаммосининг юмшашига олиб келади. Бундан ташқари давлат корхоналари миллийлаштиришдан қайтиш, бозорнинг норма амал қилиши учун кенг имконият яратиш билан саноат самарадорлиги ва бозор тизими самарадорлиги ошади.

Давлатнинг кредит-пул сиёсати макроиктисодий ривожланишга жиддий таъсир қилади. Пул массасини назорат қилиш, бу бозор иқтисодиёти шароитида фоиз ставкаси орқали амалга оширилади. Буни амалга ошириш асосан марказий банк зиммасига тушади. Марказий банк пулни эмиссия қилиш ҳуқуқига эга бўлган тижорат банкларига кредит бериш йўли билан

пул массасининг асосий қисмининг банк доирасида айланишини таъминлайди. Шу йўл билан давлатни кредит-пул сиёсати амалга ошади. Кредит-молия тизими иқтисодиётнинг мустақил соҳаси ҳисобланса ҳам у ишлаб чиқариш, савдо, истеъмол (жумладан, шахсий истеъмол ҳам) кабилар билан чамбарчас боғлиқдир. Демак, кредит-молия тизими товар-пул муносабатлари ва бозорнинг амал қилишида асосий ўринни эгаллайди.

Кредит-молия тизими фаолияти иқтисодиётнинг бош нерв нуктаси бўлган банкларнинг амал қилишини тақозо қилади. Банклар ва кредит ташкилотлари иқтисодий тараққиётнинг асосий омиллари бўлган пул ресурсларини бир жойга тўплаш, даромадлар ҳаракати орқали бутун иқтисодиётга таъсир қилади. Давлат бу иқтисодий воситалардан бозор иқтисодиётини дастлабки шаклланиши жараёнидан фойдаланади.

Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатади, ҳозирги вақтда давлатнинг кредит-пул сиёсати бозор иқтисодиётини бошқаришнинг асосий воситаларидир. Давлатнинг бозор қонунларига аралашмасдан, аксинча, улардан фойдаланиб, махсус чора-тадбирлар, яъни кредит-пул сиёсати дастакларидан фойдаланиб, кредит-молия ва пул системаси барқарор бўлиши учун максимал даражада имконият яратиб беради.

Давлатнинг кредит-пул сиёсати марказий банк орқали амалга оширилади. Ҳозирги шароитда кредит-пул сиёсатини қуйидаги асосий шакллари мавжуд:

- марказий банк учет ставкасининг ўзгариши;
- мажбурий резерв нормасини ўзгариши;
- очик бозор операциялари.

Марказий банк учет ставкасининг ўзгариши бу марказий банк томонидан хусусий банклар ссудаси ҳажмини бошқариш учун олиб бориладиган чора-тадбирлардан иборат. Бундай чора-тадбирлардан энг асосийси хусусий банклар учун бериладиган кредит фоиз ставкасининг оширилигидир. Албатта, иқтисодиётнинг аҳволи танг бўлганда, банкларнинг молиявий аҳволи ёмонлашганда марказий банк кредит-фоиз ставкасини

оширади, хусусий банкларга кредит беришни чеклаб, ўзининг иқтисодий агентлари орқали банклар, корпорациялар ва аҳолига хабар беради, ҳатто, хусусий банклар ўзи ҳам кредит беришни чегаралаб қўяди. Мана шундай шароитда марказий банк учёт ставкасини оширади. Бундан ташқари кредит фоиз ставкасини ҳаракати хусусий банклар базис (яъни олдинги) йилдаги фоиз ставкаси, кредитни қарз олувчилар учун молиявий ишончлиги эътиборда бўлади ва у прайм-рейт деб юритилади.

Прайм-рейт асосида барча банк кредити фоиз ставкаси шкаласи ётади. Шундай қилиб давлат фоиз ставкасини бошқаради. Бу албатта хусусий банклар фоиз ставкаси тизими билан тўлдирилади.

Мажбурий резерв нормасининг ўзгариши ривожланган мамлакатларда хусусий банклар ўзларининг захираларини марказий банкнинг маҳсус ҳисоб рақамларида сақлайдилар. Бундай имкониятга фақатгина банкка аъзо бўла олган банкларгина марказий банкка кредит учун мурожаат қилишлари мумкин.

Марказий банк мажбурий резерв нормасини ошириб, бунга жавобан, кредит-ресурслари сифатида, банк ҳисоб рақамларида сақлаш учун қўйилган пуллар ва маблағлардан фойдаланишни чеклайди. Марказий банк резерв нормасини камайтириш орқали бўшаган маблағни, яъни хусусий банкларни кредит бериш имкониятини кенгайтириб, уларни фаоллигини оширади. Банк қўйилган пул маблағларнинг турига қараб мажбурий резерв ҳажмини фоизда белгилайди. Агарда пул маблағи банкка қисқа муддатга қўйилган бўлса, унинг пулга айланиши ҳам тез бўлади, бундай шароитда мажбурий резерв нормаси катта бўлади. Мажбурий резерв нормасини ўзгариш муддати турли мамлакатларда турлича бўлади. Масалан, бу муддат 12 кундан 180 кунгача бўлиши мумкин. Ҳозирги шароитда марказий банк томонидан мажбурий резерв нормасини бошқаришнинг мослашувчан тизими қўлланилмоқда, яъни очиб бозор операцияларига асосий эътибор берилмоқда.

Очиқ бозор операцияси - бу марказий банкнинг бозор шароитидаги кредит-пул сиёсатини энг асосий қуроли. Бу операция натижасида қимматли

қоғозлар олди-сотди муомаласини амалга ошириб, шунга мувофиқ равишда банк резервининг кўпайиши ёки камайишидир.

Бу операцияларнинг очик бозордаги объекти:

а) қисқа муддатга чиқарилган казначей мажбуриятлари (казначей);

б) векселлар, шунингдек, ҳукумат мажбуриятлари ҳисобланади.

Очик бозор операцияси одатда ҳукумат томонидан эълон қилинмасдан яширин ҳолда олиб борилади. Очик бозор операциялари қатнашчилари мажбурий эмас. Бу операцияларда ўз хоҳиши билан қатнашувчилар қимматли қоғозлар сотиш ёки сотиб олиш шароити билан банк резервининг кўпайиши ёки камайиши амалга ошади. Очик бозор операцияси босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин, қачонки қимматли қоғозлар кичик ҳажмда сотилса ёки сотиб олинса. Марказий банк учун бундай катта бўлмаган операцияларни амалга ошириш эса самаралидир. Мажбурий резерв тизимини ташкил қилиш резервларнинг ўзгаришига олиб келади, бу эса ўз навбатида банк актив операциялари масштабини ўзгаришига, яъни биринчи навбатда, кредитлар ҳажми ва йўналишининг ўзгаришига олиб келади.

Очик бозор операциясида кредит қоғоз пуллардан кенг фойдаланиш бу фақатгина кредит операцияларини бошқариш шакли бўлиб қолмасдан, балки қоғоз, пул муомаласини ҳам назорат қилиш усулидир. Кредит пул тизимини бундай самарали бошқариш, кредит механизминини ривожлантирию, саноат, савдо ва аҳолида нақд пул массасининг кўпайишига олиб келади ва бу банк резервига алоҳида таъсир қилади. Бу операцияларнинг асосий шартларидан бири, бу қимматли қоғозлар ва уларнинг олди-сотдисидир. Ушбу қимматли қоғозлар, қачон хоҳласа катта миқдорда сотилиши ва сотиб олиниши мумкин. Демак, давлат турли хил йўллар билан кредит пул сиёсатини олиб боради.

Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш усулларида бири иқтисодиётни дастурлаштиришдир. Иқтисодий дастурлаштириш ўз ичига маълум муддатга иқтисодий ривожланиш истиқболини олади (бир-икки йил - қисқа муддатли, беш йилгача - ўрта муддат, 20 йилгача - узоқ муддат).

Бу прогноз ҳар қандай иқтисодий дастурлаштиришнинг асосини ташкил қилади. Дастурлаштириш иккинчи босқичи - бу иқтисодий тараққиётни умуммиллий дастурини тузишдир. У иқтисодий ва социал тармоқларни умумий мақсадини акс эттиради. Бу мақсадларни амалга ошириш учун, ишлаб чиқариш ҳажми ва пировард талаб ҳажми ўртасидаги мувозанат ва ҳ.кларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш тармоқлари, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги узвий боғлиқлик ва экспорт ҳажмини аниқлашда дастурлаштиришнинг математик усуллари, юқори унумли компьютер ёрдамида амалга оширилади.

Иқтисодий дастурлаштириш мақсадга мувофиқ равишда белгиланган дастур тизимини амалга оширишга ёрдам беради.

Давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш усулларида бири бу меҳнат бозори ва бандликни тартибга солишдир.

Буни давлат меҳнат биржаси орқали амалга оширади, яъни:

- Ишсизларни ҳисобга олиш ва ишга жойлаштириш;
- Ўз касбини ўзгартириш ва малакасини оширишни хоҳловчиларга ёрдам бериш ва таъсир кўрсатиш;
- Меҳнат бозори конъюктурасини ўрганиш ва у ҳақида маълумот бериш;
- Ёшларни етук мутахассис, касб эгаси қилиб тайёрлаш;
- Ишсизларга нафақа тўлаш.

Хулоса қилиб айтганда, давлат юқоридаги усуллар ва воситалар ёрдамида иқтисодиётни тартибга солиб боради.

3.3. Иқтисодиётни эркинлаштиришда давлат ва бозор механизмлари узвийлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари

Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойиллари - хусусий мулкнинг етакчи ўрни, тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги, соғлом рақобатчилик муҳити, эркин нархлар ва давлатнинг иқти-

содиётга аралашувини чекланганлиги билан изоҳланади. Бу тамойилларнинг амал қилиши фақат ҳуқуқий қонунлар доирасида ўз ифодасини топиши керак. Энг муҳими, бозор қонунларининг, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинликларининг амал қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда иқтисодиётни тартиблашнинг бозор ва давлат механизмларининг уйғунлигини таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтириш борасидаги ислохотлар ҳам давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, унинг иқтисодиётга таъсири мақсадга мувофиқ тарзда амал қилиши билан изоҳланади. Давлат иқтисодиётини тартиблаш воситалари ва усуллари орқали яхлит ривожланишнинг макроиқтисодий мувозанатни таъминлаб боради.

Давлат турли қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш воситаларини татбиқ этиш орқали мазкур соҳанинг ривожланишини таъминлаш билан бирга эркин тадбиркорлик ва рақобат муҳитини барқарорлаштиради, аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаини ошириш билан унинг ижтимоий фаровонлигини таъминлайди, давлат ва маҳаллий бюджетлар тушумларини кўпайтиради, мулкдорлар синфини кенгайтириш билан келгусидаги янада йирик бизнеснинг ривожланишига имкон яратади.

Бозорга ишлаш, унинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш ва шунга мос равишда рақобат тизимининг амал қилиши бозор иштирокчилари ўртасидаги соғлом рақобат муҳитини қарор топтиради, ёки бошқача қилиб айтганда, бозорда шундай иқтисодий субъектлар пайдо бўлиши керакки, уларнинг манфаати турли йўналишда бўлиб, улар ўз мақсадларига эришиш учун иқтисодий беллашувда бўлиши керак.

Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ўз маблағини кўп фойда олиш мақсадида қайси соҳада истеъмолчиларнинг талаби юқори бўлса, шу соҳага жойлаштиришга ҳаракат қилади ҳамда юқори самара берадиган техника ва технологияни асос қилиб олади. Бу эса, бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартиблаш механизми амал қилишини англатади.

Лекин, иқтисодиёт фақат объектив иқтисодий қонунлар доирасида ўзини ўзи тартибга солади деган қарашлардан воз кечиш керак. Ҳозирги ривожланган мамлакатларда такрор ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи рақобатнинг кучайиши натижасида давлатни иқтисодиётни тартибга солиши юқори даражада самара бериб, бозор тизимининг салбий томонларини камайишига олиб келди.

Иқтисодий эркинлик, энг аввало, мулк шакллариининг турли туманлиги билан боғлиқдир. Мулккий плюрализм хўжалик юритиш шакллариининг хилма хиллигини таъминлайди. Даромад топишда мулкнинг иштироки. Унинг моддий ёки меҳнат шакллариининг қатъий назар, бозор талаби доирасида амал қилиб боради. Бунда, бир томондан иқтисодиёт субъект-ларининг ўзаро ҳамкорлигидаги муросалик юзага чиқса, иккинчи томондан максимум даромадга эга бўлиш борасидаги рақобатни келтириб чиқаради. Оқибатда ресурслар сарфига ва унинг натижасига биноан иқтисодий фаолият натижаси юзага чиқади. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва иқтисодий эркинлик энг аввало хусусий мулк мавқеи ва таъсир доирасининг ортиб бориши унинг иқтисодиётда етакчи кучга айланишини таъминланиши ва унинг таъсирида бўлишини билан характерланади.

Республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шакллариининг асосланган иқтисодиётни шакллантиришга босқичма-босқич ўтиш йўли хосдир. 1992-2012 йилларда турли мулкчиликка асосланган иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган ислохотларни амалга оширишни олти босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич – 1992-1993 йилларда асосан давлат уй жой фонди, савдо, маиший хизмат ва маҳаллий саноатнинг кичик корхоналари, дорихоналарни ўз ичига олган кичик хусусийлаштириш амалга оширилди.

Биринчи босқичда икки муҳим вазифани бирданига ҳал этишга тўғри келди:

биринчиси, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш ҳамда макроиқтисодий аҳволни барқарорлаштириш;

иккинчиси, ислохотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини шакллантириш;

-институционал ўзгаришларни ва кичик хусусийлаштиришни амалга ошириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиёт негизларини яратиш.

Макроиқтисодий, шу жумладан, молиявий барқарорлаштириш, иқтисодий таркибий сиёсатни ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларни кўриш оқибатида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши бошқа МДҲ мамлакатларидек оғир кетмади.

Иккинчи босқич – 1994-1998 йилларда асосий эътибор оммавий хусусийлаштириш босқичи бўлиб, бу босқичда кичик корхоналар хусусий мулкка, ўрта ва йирик корхоналар эса очиқ акционекрлик ва масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилди. Ушбу босқичда минглаб ўрта ва йирик корхоналар хусусийлаштирилди. Уларнинг акциялари қуйидаги нисбатда бўлинди: меҳнат жамоаси 25 фоиз, давлат 25 фоиз, аралаш корхоналар 10 фоиз ва эркин савдога 40 фоиз чиқарилди.

Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичи муомалага миллий валюта – сўмнинг киритилиши билан бошланди. Унда амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларидаги ўрта ва йирик корхоналарни хусусийлаштириш ҳамда рақобатчилик муҳитини шакллантириш чоралари кўрилди. Хусусий кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик субъектларининг деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда ЯИМдаги улуши эса 12,5%га етди. Макроиқтисодий барқарорлаштиришга эришилди. Натижада ЯИМнинг йиллик ўсиши 1996 йилда 1,7%ни, 1997 йилда 5,2%ни, 1998 ва 1999 йилларда 4,4%ни ташкил этди.

Учинчи босқич – 1999-2000 йиллар босқичида эса асосан ўрта ва ёқилғи-энергетика комплексига қарашли йирик корхоналар хусусийлаштирилди. Президент И.А.Каримов Биринчи чақириқ Олий Мажлисининг 14-сессиясида “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” мавзусидаги маърузасида

ва Иккинчи чақириқ Олий Мажлис 1-сессиясида қилган маърузаларида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди:

-мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш. Бунинг учун хусусий мулкчилик секторининг иқтисодиётдаги, ЯИМда салмоғини ошириш орқали унинг етакчилик ўринда туришини таъминлаш, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни ривожлантириш;

-ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш;

-бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

-ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;

-валюта тизимини ва бозорини эркинлаштириш, сўмнинг қадрини ошириш ва босқичма-босқич унинг бошқа валюталарга эркин алмашувини таъминлаш;

-давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналар хўжалик фаолиятига ноўрин аралашинини чеклаб қўйиш. Энг муҳими, бозор қонунларининг, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинликларининг амал қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда иқтисодиётни тартибланишнинг бозор ва давлат механизмларининг уйғунлигини таъминлаш.

Тўртинчи босқич – 2001-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, “хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик секторини кенгайтириш, жадаллаштириш сари туб бурилишлар даври ҳисобланади”⁴⁰. Ушбу босқичга хос муҳим хусусият – давлат объектларининг тўлиқлигича хусусий мулк сифатида сотилиши улушининг ортиб бориши ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни амалга ошира бориш ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари эркинликларининг кенгайтирилиши ва уларнинг фаолиятига давлат органларининг ноўрин аралашувининг камайтилиши оқибатида 2001-2005 йилларда ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, иқтисоди-

⁴⁰ Каримов И.А. Демократик ҳукукий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Тошкент, 2007. –Б.25

ётнинг нодавлат секторининг ЯИМдаги улуши 2002 йилда 74,1%ни, саноат маҳсулоти ҳажмида 70,8%ни, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажмида 99%ни, иш билан банд бўлганлар сонида 76%ни ташкил этди.

Республикамизда 2005 йилда кўра кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг сони 311,8 мингдан ошди. Уларнинг ЯИМдаги улуши 34,8%ни ташкил этди. Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини ҳаётга жорий қилиш асосида мулкдорлар синфини амалда шакллантириш лозим бўлади. Ўзбекистонда якка шахсга тегишли ва улушли хусусий мулк эгаларининг турли қатламларидан иборат салкам 6,6 млн. мулкдорлар мавжуд бўлиб, жумладан 18,1 фоизини акциядорлар, қарийиб 50,0 фоизини деҳқон хўжаликлари эгаларини ташкил топди. Хусусий сектор ва мулкдорлар мавқеини ошириш учун тармоқ тузилишини белгилаб берувчи йирик корхоналарни хусусийлаштириш ва бу жараёнларга хорижий инвесторларни ҳамда аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш ишлари жадаллаштирилади.

Бешинчи босқич – 2006-2008 йилларда амалга оширилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги “2006-2008 йилларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида”ги фармонининг қабул қилиниши билан бошланди. Иқтисодиётда хусусий мулкчилик ролининг ортиб бориши, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондида давлат улушининг қисқариши, юридик ва жисмоний шахсларнинг бинолари, иншоотлари билан банд бўлган ер участкалари хусусий мулк ҳуқуқида хусусийлаштирилиши ушбу босқичнинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Албатта ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлда қабул қилинган “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ва иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги фармонидан келиб чиқади. Хусусийлаштирилган 622 та корхоналарнинг давлатга тегишли акцияларини биржада ва ундан ташқаридаги бозорларда сотишга рухсат берилган. Бунда давлатга тегишли бўлган мулкнинг 10%, 25% ва ҳатто 60%ни сотиш

мўлжалланмоқда. Оқибатда улушли мулкдорлар акциядорлар қатлами анча кенгаяди.



3.3.1-Чизма. Давлат томонидан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш босқичлари⁴¹.

Акциядорлар эса реал улушли мулк эгасига айланиб, дивиденд олиш имкониятлари ортади.

⁴¹ Чизма муаллиф томонидан манбалардан фойдаланган ҳолда тузилган.

Олтинчи босқич асосан 2009-2012 йиллар. Бу даврда иқтисодий дини давлат томонидан тартиблаш ва унинг таркибий тузилишини ўзгартириш негизида барқарор иқтисодий-ижтимоий ўсишни таъминлаш вазифаси қўйилди. 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодий дини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамланди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди. Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хом-ашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этди. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди. Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади. 2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани бунинг яққол тасдиқлайди⁴².

Мамлакатимиз ҳаёти ижтимоий ҳаёти, шу жумладан иқтисодий соҳасида эркинлаштириш, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини, иқтисодий фаолиятининг бозорга хос механизмларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган жараёнларнинг кенг амалга оширилиши тараққиёт ва ўзгаришларга янги куч бахш этди. Давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчанлик вазифалари қисқартирилиб, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашуви чекланди. Хўжалик юритувчи

⁴² И.Каримов Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: НМИУ, Ўзбекистон нашриёти, 2013 й. 3-бет.

субъектлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга қулай иқтисодий шароит яратиш мақсадида солиқ юки сезиларли даражада пасайтирилди.

Иқтисодий ислохотлар орқали энг аввало, иқтисодий манфаатларни руёбга чиқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланган мулкчилик муносабатларини мазмунан ўзгартиришга ҳаракат қилинди. Режали иқтисодиёт шароитида, асосан, давлат мулки монополиясининг ҳукмронлиги ва бу муносабатларга ўта расмийчилик билан ёндашув мулкчилик муносабатларининг самарадорлигини деярли йўққа чиқарган эди.

Шунга кўра, мамлакатимизда давлат томонидан амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналиши кўп укладли иқтисодиётни яратиш, ўрта мулдорлар синфини шакллантириш муаммоларига қаратилди.

Иқтисодиёт нодавлат секторининг шаклланишида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жароёнларининг таъсири муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу борадаги ислохотларнинг аниқ мақсадга йўналтирилгани, ҳар томонлама асослангани ва изчиллигини таъминлаш мақсадида ҳукумат даражасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилди. Жумладан, 1991-2000 йилларда 83,5 мингдан ортиқ давлат мулки объектлари хусусийлаштирилган бўлса, 2001-2011 йиллар мобайнида 9237 та давлат тасарруфиги корхона ва объектлар хусусийлаштирилиб, улардан тушган пул маблағлари ҳажми 656 миллиард сўмни ташкил этди.

Биргина 2012 йилнинг ўзида 48 та корхона ва объектлар хусусийлаштирилган бўлса, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 21,3 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур маблағларнинг барчаси корхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни техник жиҳатдан қайта қуrollантириш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш каби тадбирларга йўналтирилди. Бугунги кунда руйхатга олинган корхоналарнинг умумий сонидан нодавлат мулк шаклидаги корхоналарининг

улуши 92,7 фоизга етди. Бундай корхоналарнинг 54,3 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,8 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизини акциядорлик жамиятлари, 16,4 фоизини бошқа турдаги корхоналар ташкил этди.

Мамлакатимизда ҳақиқий мулкдорлар синфининг қарор топиши жадал суръатларда амалга ошиб, тез орада ижобий натижалар берди. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг нодавлат сектори катта салмоққа эга бўлиб борди.

Ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш ва хўжаликларни эркин иқтисодиёт тамойиллари асосида юритадиган муҳитни яратиш учун кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик ривожлантирилади. Бугунги кунга келиб, тадбиркорларда ҳуқуқий, иқтисодий билимларнинг, маркетинг саводхонлигининг етишмаслиги, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмасликлари, бизнес режаларини тузиш тажрибаларининг етишмаслиги, уларни янги, замонавий техника ва технология, молиявий маблағлар, хом-ашё ресурслари билан таъминланишда қийинчиликларнинг мавжудлиги ҳамда ҳали ҳам турли давлат ва назорат органларининг уларнинг фаолиятига ноўрин аралашувининг сақланиб қолаётганлиги тадбиркорликнинг янада кенг ривожланишига ва ўрта мулкдорлар синфининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши муҳим, долзарб аҳамият касб этмоқда.

Эркин иқтисодиёт тамойилларини ҳаётга жорий қилиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- иқтисодиёт субъектлари фаолиятини давлат органлари томонидан бюрократик (маъмурий) регламентациялар, яъни тартиблаш кўламини қисқартириш;

- мулкчилик шаклларида қатъий назар тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитларни ярата бориш. Бунинг учун айрим стратегик аҳамиятга эга бўлмаган корхоналар ва тармоқлар учун асоссиз равишда берилган имтиёзларни ва улар учун яратилган қулай шароитларни бекор қилиш лозим бўлади;

-рақобат муҳитини ривожлантириш ва иқтисодий, табиий монополиялар фаолиятини чеклаш;

-мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва уларнинг масъулиятларини кучайтириш, самарали “ўйин қоидалари”ни, яъни тадбиркорлик фаолияти эркинликларини таъминловчи ҳамда хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонуний-ҳуқуқий базани такомиллаштириб бориш.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, монополияга қарши кураш чоратадбирларини кўришгина эмас, балки бозор бажара олмаган қатор иқтисодий-ижтимоий вазифаларни амалга оширишдир. Хусусан:

1. Бозор механизми сарф-харажатларни қоплаш муддати таваккалчилик даражасига боғлиқдир. 5-10 йил муддатла сарф-харажати қопланадиган тармоқларда хусусий капитал қатнашуви ёки натижасини пул шаклида баҳолай олмайди. Масалан, фундаментал тадқиқотларга, қуролли кучлар таъминотига, меҳнатга лаёқатсизларга тўланадиган ижтимоий харажатлар давлат зиммасига тушади. Бу ерда давлат бошқарувчи куч сифатида эмас, балки мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида ҳам фаолият юритади.

2. Бозорни ўзини ўзи тартибга солиш имконияти чекланганлиги учун давлат зиммасига самарали талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, оптимал даражада бандликни, пул массасини, унинг ҳажмининazorat қилиш орқали макроиқтисодий мувозанатни сақлаш каби вазифалар тушади. Бу иқтисодиётни ўзини ўзи тартиблаш механизми билан уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат иқтисодиётнинг нормал мувозанатда бўлишини таъминлар экан, бу борада қатор вазифаларни бажаради.

1. Бозор тизимини самарали амал қилиши учун ҳуқуқий базани яратиш ва мустаҳкамлаш.

2. Соғлом рақобат муҳитини сақлаб туриш.

3. Миллий бойлик ва даромадларни қайта тақсимлаш.

4. Миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурсларни тақсимотини тартибга солиш.

5. Иқтисодиётнинг бир марода ривожланишини таъминлаш мақсадида бандлик даражаси ва инфляцияни назорат қилиш.

6. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириб боришни таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётни тартиблашнинг давлат ва бозор механизмлари, улар бир бирини тўлдирувчи, кўмаклашувчи ва умумий иқтисодий барқарорликни таъминлашда ўзвийликни қарор топтириши зарур.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойиллари - хусусий мулкнинг етакчи ўрни, тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги, соғлом рақобатчилик муҳити, эркин нархлар ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чекланганлиги билан изоҳланади. Бу тамойилларнинг амал қилиши фақат ҳукуқий қонунлар доирасида ўз ифодасини топиши керак. Энг муҳими, бозор қонунларининг, иқтисодий фаолият ва танлаш эркинликларининг амал қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда иқтисодиётни тартиблашнинг бозор ва давлат механизмларининг уйғунлигини таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтириш борасидаги ислохотлар ҳам давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, унинг иқтисодиётга таъсири мақсадга мувофиқ тарзда амал қилиши билан изоҳланади. Давлат иқтисодиётини тартиблаш воситалари ва усуллари орқали яхлит ривожланишнинг макроиқтисодий мувозанатни таъминлаб боради.

Давлат турли қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш воситаларини татбиқ этиш орқали мазкур соҳанинг ривожланишини таъминлаш билан бирга эркин тадбиркорлик ва рақобат муҳитини барқарорлаштиради, аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаини ошириш билан унинг ижтимоий фаровонлигини таъминлайди, давлат ва маҳаллий бюджетлар тушумларини

кўпайтиради, мулкдорлар синфини кенгайтириш билан келгусидаги янада йирик бизнеснинг ривожланишига имкон яратади.

ХУЛОСАЛАР

Ўзбекистон миллий иқтисодиётини янада эркинлаштириш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада кенгайтиришни бош мақсад қилиб қўяди. Чунки, бозор учун ишлаш қондасига амал қилиш, бозор иқтисодиётининг объектив иқтисодий қонунлари доирасида хўжалик юритиш учун иқтисодий эркинлик талаб этилади. Фаолият эркинлигисиз иқтисодий юксалишга эришиб бўлмайди. Шунинг учун, хўжалик юритувчи субъектлар фаолият доирасини кенгайтириш иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий эркинликни янада кенгайтириш орқали таъминланиши сир эмас. Мазкур магистрлик диссертация мавзуси доирасида утказилган тадқиқот натижалари, таҳлил этилган масала ва муаммоларни урганиш орқали келинган хулосалар ва таклифлар қўйидаги фикрларда ўз аксини топган:

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш - бу иқтисодиётга давлатнинг тўғридан тўғри аралашуви даражасини пасайтириш ҳисобланади. Бунинг учун, энг аввало, давлатга қарашли бўлган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш соҳасидаги чекловларни камайтириб бориш, солиқ юкини пасайтириш, совдо-сотиқ эркинлигини кенгайтириш, даромадларни бозорга хос қондалар асосида тақсимланишига эришиш, эркин нархларга ўтиш, ташқи иқтисодий фаолиятга эркинлик бериш кабиларни амалга ошириш талаб этилади.

Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатлари амал қилишининг зарурий шартидир. Чунки, бозор иқтисодиётининг муҳим тамойилларини тўлиқ амал қилиши учун иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш талаб этилади. Иқтисодиётнинг эркинлиги бир қатор муҳим сифат белгиларига эга. Улардан энг асосийси, товар ишлаб чиқарувчи нимани ишлаб чиқаришни, бунинг учун қандай технологиядан фойдаланишни ва ниҳоят, кимга сотишни ўзи мустақил равишда белгилаши лозим. Шунингдек, яратилган маҳсулот ёки хизмат турини танлаш, харид қилиш ёки хизмат қилиш ёки қилмаслигини харидор ҳам ихтиёрий ва

мустақил равишда ўзи белгилайди. Шу боисдан бозорга чиқарилган товарни олди-сотди қилиш сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига асосланади, уни чеклаш ва таъқиқлаш моҳиятан бозор муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

2. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- Тадбиркорлик мустақиллигига зид келувчи чеклашларни олиб ташлаш.
- Ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслар олди-сотди муносабатларидаги тўсиқларни бартараф этиш.
- Кичик ва ўрта тадбиркорликни жадал ривожлантириш.
- Монополистик фаолиятларга жиддий зарба бериш.
- Хусусий сектор манфаатларининг амалдорларга боғлиқлигини юқотиш.
- Корхона фаолиятидаги молдиявий чекловларга барҳам бериш.
- Алоҳида корхона ва тармоқларга ҳаддан зиёд имтиёзлар беришни тугатиш.

3. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда унинг ўзига хос субъектив ва объектив хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Кишилар онгида қонунларга амал қилиш маданиятининг ривожланмаганлиги, эскича кўникмалардан возкечилмаётганлиги, амалдор шахсларнинг ҳокимият доирасини қисқартиришдан манфаатдор эмасликлари, иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришларни тушуниб етмаслик ёки уларга нисбатан бефарқ бўлиш, иқтисодиётдаги коррупция ҳолатлари ва шунга ухшаш ҳолатлар субъектив хусусият касб этадиган муаммо сифатида мавжуд бўлади. Иқтисодиётнинг таркибий тузилишининг янгича муносабатлар талабига жавоб бермаслиги, иқтисодиётнинг бир ёклама характери, ташқи қарамлик, сиёсий беқарорлик ва шу каби ҳолатлар объектив хусусият сифатида тадбиркорликнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигига салбий таъсир этувчи субъектив ва объектив сабаблар инobatга олган ҳолда тегишли

ишларни амалга оширилиши тадбиркорлар қатлами мустаҳкамлаш имконини бериши сир эмас. Албатта, зарурий шарт-шароитларнинг яратилиши масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томонида яратилган имкониятлардан тадбиркорларнинг тўлиғича фойдалана олиши, тадбиркорлик қобилиятларини муттасил такомиллаштириб бориши ҳисобланади. Лекин ҳамма тадбиркорлар ҳам замон талабларига мос иш юритмоқдалар деб бўлмайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини янада кенгайтириш мақсадида ташкил қилинган қулай шароитлар давлат томонидан берилган кафолатларга қарамасдан узоқни кўра билмаслик ва тажрибасизлик натижасида баъзи камчиликларга дуч келмоқда. Маълум тоифадаги тадбиркорларнинг рақобатни ҳис қилмаслиги, реклама фаолиятининг ривожланмаганлиги, рекламадан фойдаланиб миқдорларни кўпайтириш ўрнига тор доирада хизмат кўсатиш ёки маҳсулот ишлаб чиқариш билангина қаноатланиб қолмоқдалар.

Ҳозирги даврда ҳамма тадбиркорлар ҳам ўзларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқларини етарлича англаб етмайдилар. Оқибатда ўзларининг етишаман деган фойдадан ажралиб қолишлари, тижорат сирларини сақлашга етарли аҳамият бермаётганликлари кўзатилмоқда. Шундай экан, тадбиркорларга яратилган қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар кулами кенг бўлишига қарамай самарали фаолият юритишнинг иложи бўлмайди. Шунинг учун тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашиш лозим. Бундай тадбирларни ташкил этилиши қуйидагиларнинг ривожланишига олиб келади:

- Маркетинг бошқаруви ва иқтисодий билимлар савиясини оширади.
- Янги технологиялар тўғрисидаги маълумотлар билан узлуксиз таъминланиб боришига эришилади.
- Бизнес режалар тузиш тажрибасини орттиради.
- Иқтисодий фаолият ҳуқуқини берувчи лицензиялар олишдаги сарсонгарчиликларга чек қўйилади.
- Солиқлар ўз вақтида туланидиган бўлади.

- Бозор қоидаларига риоя қилиш кўникмаси ҳосил бўлади.

Тадбиркорлар учун қонунлар, имтиёзлар, устувор фаолият йўналишлари ҳақида аниқ, лўнда маълумотлар берувчи услубий қўлланмаларнинг тадбиркорларнинг қўлига тез ва осон етиб боришини таъминлаш зарур.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни қисқа вақт ичида ва осон ҳал этиш қийин албатта. Лекин, муттасил равишда иш олиб бориш, хўжалик фаолияти эркинлигини кенгайтиришни янада кўчайтириш ва бунинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, турли вазирлик ёки уюшмаларнинг ички меъёрий кўрсатмаларини қисқартириш, ихтисослашган бозорларда эркин фаолият юритиш, монополистик сиқувларга барҳам бериш, маъмурий органларнинг тижорат фаолиятидаги манфаатларини чеклаш ва шунга ухшаш тадбирларни амалга ошириш тадбиркорликнинг ҳам ҳуқуқий ҳам иқтисодий эркинлиги таъминлаб беради. Шундагина, бозор иқтисодиётига хос бўлган объектив иқтисодий қонунларнинг амал қилишига йўл очилади ва бозор иштирокчиларининг эркин фаолияти учун ҳуқуқий асос қарор топади.

4. Республикамизда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес аҳамиятини иқтисодий эркинликни таъминлаши нуқтаи назардан қаралганда унинг учта жиҳатини алоҳида эътироф этиш мумкин.

1. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолияти бозор қоидаларига риоя қилиш орқали рўй беради.

2. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесда фаолият соҳасига ихтисослашув кучли бўлганлигидан, замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш механизми объектив тарзда амал қилади.

3. Кичик бизнес ихчам бўлган ишлаб чиқаришни ташкил этишга қулай бўлиб, пул шаклидаги даромадларни кўпайтириши билан бирга натурал истеъмолни ҳам таъминлайди. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиш даражаси иқтисодиёт субъектларининг эркинлигини изоҳловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Бу билан бозор эркин фаолият юритаётган субъектларнинг эркин рақобати юза чиқади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009.-40 б.
2. “Чет эл инвестициялар тўғрисида ги” Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Адолат, 2004 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

3. 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ-1442., 15.12.2010 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1717-сонли «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури. 2012 йил 27 февраль.
5. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 07.02.2011 й. № ПҚ-1474.
6. “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 9 сон – 2010- 9 март.
7. “Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида: ЎзР Президентининг Фармойиши. 2009 йил 9 декабрь //Халқ сўзи. -2009. - № 238. – мо декабрь. – 1 б. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва

таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2010 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.

9. “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 26.01.2009 й. № ПҚ-1046

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони// Халқ сўзи, 2005 , 15 июн.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” Фармони// Халқ сўзи, 2005,15 июн.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари

12. О мерах по дальнейшему развитию и модернизации предприятий текстильной промышленности и расширению производства отечественных непродовольственных потребительских товаров на 2009-2011 годы: Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 августа 2009 года № 236 //Собрание законодательства Республики Узбекистан – 2009. - № 34. – 372.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби” тўғрисида Қарори//Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 54 – сон, 1999 декабр. – Т.:Ўзбекистон. Адлия вазирлиги., 2000.-15-20 б. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ. 1999 йил 5 февраль. – Т.:Ўзбекистон, 1999.- 92 б.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

14. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

15. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент И.А.Каримовнинг “2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривжлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси” // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

17. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 53 б.

18. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

19. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

V. Дарсликлар

20. А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. Инвестиции. Учебник - М.: Проспект, 2008. - 584 стр

21. Н.Н.Расулов. Стимулирование привлечения иностранных инвестиции в экономику Узбекистана. Учебник. -Т.: ФАН, 2003.-165 стр.

22. Внешнеэкономическая деятельность: Учебник. /[Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелова. - 4-е изд., перераб. и доп.- М.: «Академия», 2007. - 304 с.

23. Самуэльсон П.Э, Нордхаус В.Д. Экономика, 18-е издание: Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. – 1360 с.

VI. Ўқув қўлланмалар

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи” НМИУ. - 2012. – 382 б.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 281 б.

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: Иқтисодиёт. 2011.– 377 б.

27. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистоннинг 19 йил мустақил тараққиёт йўлида жамиятни модернизациялаш ва иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг дадил одимлари ва муваффақиятлари: талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик билан учрашувларда фойдаланиш учун ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий мавзуда илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Иқтисодий”, 2010. - 148 б.

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодий” нашриёти, 2010. – 146 б.

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа, Т.: “Иқтисодий” 2010.-281 б.

30. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов. Учебное пособие. -М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. - 1340 стр.

31. Кожухур В.М. Практикум по иностранным инвестициям. – М.: Дашков и К0, 2009. – 256 стр.

VII. Статистика тўпламлари маълумотлари

32. Социально-экономическое развитие республики Узбекистан 2012. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2013. – 142 с

33. Промышленность республики Узбекистан 2010. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2011. – 156 с.

VIII. Интернет сайтлари

34. www.gov.uz—Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали

35. www.press-service.uz—Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот

хизмати расмий сайти

36. www.mfer.uz—Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти

37. www.UzA.Uz—Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти

38. www.review.uz — “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти

39. www.cer.uz — Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти

40. www.uzreport.com — бизнес ахборотлари портали

41. www.eurasianews.com — ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти

42. www.vip.lenta.ru — Интернет нашриёти

43. www.InternetNews.com — янгиликлар сервери

44. [www. norma.uz](http://www.norma.uz).

1-Чизма. Иқтисодий фан тарихидаги асосий мактаб таълимотларининг иқтисодиётни эркинлаштириш тамойили қарашларининг таснифланиши

Иқтисодий мактаб таълимотлари	Иқтисодиётни эркинлаштиришда давлат ва инсоннинг ўрни	Иқтисодий сиёсатда назарий таълимотлар билан асосланган йўналишлардан амалиётда фойдаланганлик даражаси
Меркантилизм	Давлатни ташқи савдони тартибга солиш зарурлиги ва ички иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш	XVI-XVIII асрларда европа давлатлари иқтисодиётида кенг қўламда фойдаланилган
Физиократлар	Эркинлаштириш тамойилларига асосланган ҳолда давлатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга эътибор қаратиш ва қўллаб қувватлаш	XVIII асрларда машҳур саналган мазкур таълимот Франция ҳукумати иқтисодий сиёсатида ўз таъсир доирасида самрадорликка жиҳатлари кузатилмаган.
Англия классик мактаби	Иқтисодиётга давлат аралашувини чеклаш	XVIII-XIX асрларда Англия ҳукумати иқтисодий сиёсатида асосан А.Смит ва Д.Рикардо таълимотлари назарий қарашларига асосланган.
Марксизм	Хусусий мулкни тақиқлаш	Социализм ва коммунизм таълимотлари ҳозирги кунда ҳам айрим мамлакатлар иқтисодий сиёсати негизини ташкил этмоқда.
Неоклассик мактаб таълимоти	Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни тақиқлаш. Давлатнинг асосий вазифаси эркин бозор иқтисодиёти шароитида ҳар томонлама инсон мулкани ҳимоя қилиш	XX асрда ривожланган мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланмоқда.
Кейнсчилик	Асосий эркинлаштириш таомойилларига асосланган ҳолда иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат томонидан тартибга солиш	XX асрнинг 30 йилларидан бошланиб 70 йиллардаги инқироз давригача бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда кенг қўлланилди.
Институционализм	Давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги ва яқка тадбиркорлик фаолияти самарасиз эканлиги асосий эътибор жамоа фаолиятига қаратилиши керак.	Узоқ муддатли иқтисодий тараққиётга эришишнинг устувор йўналишларини шакллантириш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсатларда мужассамлашган
Неоинституционализм	Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг юқори	Иқтисодий сиёсатнинг аниқ мақсад ва устувор вазифаларни белгилашда фойдаланилмоқда.


	самарадорлигига эришиш ва асосан тараққиётга эришишда бозор институтларини хусусан биринчи ўринда хусусий мулкни ривожлантириш	
Неоклассик синтез	Кейнсчилик ва неоклассик таълимотлари қарашларидаги инсон ва давлатнинг ўрнини уйғунлаштириш	Иқтисодий сиёсатнинг аниқ мақсад ва устувор вазифаларни белгилашда фойдаланилмоқда.
Неоконсерватизм	Монетар сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилашда иқтисодиётни тартибга солишнинг меъёрий аралашуви. Давлатнинг асосий вазифаси эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш борасида қулай муҳит шарт-шароитини яратиш	XX асрнинг 70 йилларидаги инқироз давридан бошлаб иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати кўпгина мамлакатларда қўлланилди. Социалистик мамлакатлар иқтисодиётининг трансформациялашуви даврида кенг қўламда фойдаланилди.
Посткейнсианство	Давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги ва Инсон омили унинг ўрни масалалари яхлит эркинлаштириш алоқаларини ўрнатиш	Кенг қўламда қўлланилмади
Янги классиклар	Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни минималлаштириш	Мазкур ғоялардан замонавий бозор иқтисодиёти шаклланган жойларда қўлланилмоқда
Янги кейнсчилар	Давлатнинг барқорлаштириш сиёсатининг зарурлиги	Мазкур ғоялардан замонавий бозор иқтисодиёти шаклланган жойларда қўлланилмоқда

2-Чизма. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналиш ва усуллари⁴³

Асосий йўналишлари	Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари
Молиявий ҳамда пул-кредит жиҳатидан тартибга солишнинг билвосита усуллари	Солиқ сиёсати: -солиқ ставкаларининг белгиланиши; -солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши.
	Амортизация сиёсати: -амортизация меъёрининг белгиланиши; -амортизация ажратмаларининг индексацияси; -жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш.
	Кредит сиёсати: -Марказий банк томонидан ҳисоб ставкасининг тартибга солиниши; -минимал резервларнинг ўрнатилиши ва ўзгартирилиши; -давлат муассасаларининг қимматли қоғозлар бозоридаги давлат мажбуриятлари эмиссияси, уларнинг савдоси ва тўлови; -кредитлар бўйича давлат кафолатлари.
	Божхона сиёсати: -экспорт-импорт операцияларини кенгайтирувчи божхона пошлиналарининг ўрнатилиши; -экспорт-импорт операцияларини чекловчи божхона пошлиналарининг ўрнатилиши.
Бевосита молиявий тартибга солиш усуллари	-бюджет инвестицияларини амалга ошириш; -санациядаги корхоналарга субсидиялар, субвенциялар, дотациялар, ҳудудлар учун трансфертлар ва ҳ.к.ларнинг тақсимланиши.
Бевосита ишлаб чиқаришни тартибга солиш усуллари	-моддий ресурслар оқими ва ишлаб чиқариш фаолиятининг тартибга солиниши; -давлат эҳтиёжидаги маҳсулотларни етказиб бериш ва ишларни бажариш учун буюртмалар бериш, квоталаш ва лицензиялаш ва ҳ.к.
Иқтисодий фаолиятда бевосита иштирок этиш	-турли давлат корхоналарининг хўжалик, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини бошқаришни таъминловчи давлат тадбиркорлиги; -мулкчиликнинг аралаш шаклидаги корхоналарни бошқаришда иштирок этиш.
Дастурий-мақсадли режалаштириш орқали бевосита тартибга солиш усуллари	-иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқиш; -дастурий-мақсадли режалаштириш ва бошқарув; -долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда бевосита иштирок этиш.


⁴³ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

3-Чизма. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг намоён бўлиш шакллари.



**Ўзбекистонда 2008-2012 йиллар орлиғида кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликнинг ривожланиш кўрсаткичлари⁴⁴**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	йиллар				
		2008	2009	2010	2011	2012
ЯИМ даги улуши	%	48,2	50,1	52,5	54,0	54,6
Шу жумладан:						
Кичик корхона ва микрофирмалар	%	29,5	31,2	32,7	33,7	34,9
Фаолият кўрсатаётган субъектлар сони	Минг бирлик	398,6	422,9	472,8	487,4	489,8
Кичик тадбиркорликда банд бўлганлар сони	Минг киши	8024,1	8402,3	8639,3	8913,5	8967,3
Кичик бизнес соҳасида бандларнинг иқтисодиётда банд аҳолининг умумий сонидаги улуши	%	72,7	74,2	74,3	74,8	75,7
Ҳар минг кишига тўғри келадиган фаолият юритаётган субъектлар сони	бирлик	14,7	15,1	15,0	16,5	17,2



1-Расм. Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкаларининг ўзгариш суръатлари⁴⁵.

⁴⁴ Ўзбекистон 2011 Альманах. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2011 ва Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот таҳлилий бюллетень 2011 йил. Тошкент 2012 статистик тўпламлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

⁴⁵ Ўзбекистон 2011 Альманах. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2011 ва Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот таҳлилий бюллетень 2011 йил. Тошкент 2012 статистик тўпламлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

